

ИБРОҲИМ АБДУРАҲМОНОВ
УМИДА РАҲМАТУЛЛАЕВА

АМАЛИЙ

ЭТИКЕТ

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**ИБРОҲИМ АБДУРАҲМОНОВ
УМИДА РАҲМАТУЛЛАЕВА**

**АМАЛИЙ
ЭТИКЕТ**

(Маданият ва санъат олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма)

Ушбу ўқув қўлланма Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ижтимоий фанлар кафедрасида тайёрланган. Институт услубий Кенгаши мажлисида қўриб чиқилиб, атрофлича муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Такризчилар:

И. Абдурахмонов, У.Рахматуллаева. Этикет (Маданият ва санъат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма). Ўзбекистон Бадий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти - Т.: 2010, - бет.

Тошкент – 2010 йил

МУНДАРИЖА

Кириш-----

1-Мавзу: Этикет фанининг предмети, шаклланиши, моҳияти ва асосий вазифалари-----

2-Мавзу: Ҷамоат жойларида ўзини тутиш этикети-----

3-Мавзу: Кийиниш этикети. (Замонавий эркаклар ва аёллар имиджида анъанавий услуб)-----

4-Мавзу: Маданий – маърифий тадбирлар этикети -----

5-Мавзу: Ресторан, кафе ва банкетда ўзини тутиш этикети (Меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш)-----

6-Мавзу: Мулоқот этикети-----

Хулоса-----

Адабиётлар рўйхати-----

КИРИШ

Санъат-объектив борлиқнинг бадий инъикоси, инсон тафаккурининг энг юксак маҳсули сифатида асрлар давомида аجدодларимизни гўзаллик, нафосат сирларини ўрганиш, ҳис этиш ва тасаввур қилишга чорлаб келган. У умумборлиқда ажралмас бир монандликнинг заррин унсури – инсон онги, ҳис-туйғулари ва хотирасида шаклланади. Ҳаётнинг бадий сифатларини, синоатларини англаганимиз туфайли илоҳий маъданга мўъжизавий куч–қудрат, нафосат бағишлайверади. Шу боис инсон ўзи яшаётган оламни ўрганишга, дунё ажойиботларини англашга интилади. Бу тафаккурый ҳиссиёт бизга минг йиллардан бери маълум. Айниқса, фан ва техника тараққиёти жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги кунда ёшларимиз оламнинг турфа жилоларини, хилма-хил рангларини идрок қилишда ўз қобилиятларини тобора юксалтириб бормоқда. Ушбу ҳодисанинг энг асосий ва энг муҳим боиси ўзбек халқи нафосат борасида жуда қадимий ва бой меросга эгалигидадир. Миллий анъаналаримиз ҳақида Президентимиз Ислом Каримов қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. “...бизнинг халқимизда қалб кўзи билан кўринадиган, миллий руҳиятига сингиб, унда минг йиллик тажрибалар асосида мукаммал сайқал топган, ёзилмаган турмуш қоидалари ҳам мавжуд”.¹ Шунга кўра кимдир миллий ҳунармандликни, бошқаси фото санъатни, яна кимдир бадий ижодни хуш кўради. Айримлар тил ўрганишни хоҳласа, бошқалари замонавий дизайннинг амалий ва назарий асосларини янада чуқурроқ ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Яна келажакда актёр ёки режиссёр бўламан деганлариям қанчадан-қанча...

Бўлажак санъатшунослар соҳага янада чуқурроқ кириб бориш сари ҳаракат қилар эканлар, улар энг аввало ўзлари яшаётган олам синоатларини ўзлаштириш

¹ Каримов И.А. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз куриб бўлмайди. Республика маънавият ва маърифат маркази.Т.: Ўзбекистон, 2006,- 42 б.

билан бирга ўзгалар яшаш тарзини–турмуш маданиятини ҳам кузатишлари зарур. Атрофда кечаётган маданий жараёнларни ўз имконияти даражасида тасаввур қилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини илмий таҳлил қила олишлари ниҳоятда муҳим. Шундай тарзда оламни ақлан фарқласаларгина улардан ўзларига тегишли хулосалар чиқара оладилар. Натижада ҳаётий тажрибалари янада бойийди.

Жамиятда урфга айланган анъанавий ва замонавий турмуш маданиятини ўрганиш, ўзлаштириш ва амалий қўллай билиш маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи бўлажак мутахассислар учун ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Айни пайтда улар бошқалардан бир қадам олдинда юришлари, атрофдагиларга бу борада ўрнатилган бўлишларини инобатга оладиган бўлсак, бундай тажриба улар ҳаёти ва касбий фаолиятини маълум даражада енгиллаштиради. Шу тариқа аста-секин уларнинг ташқи маданият борасидаги диди шаклланади.

Юксак бадиёт, ахлоқий қиёфа ва жамиятда урф бўлган анъанавий ва замонавий турмуш маданиятини қандай даражада ўзлаштирганлиги биринчи навбатда атрофдагилар билан мулоқотга киришишда намоён бўлади. Одоб-ахлоқ билан ҳаёт кечирувчи, тарбияли маданият ва санъат намоёндалари ўзларининг ташқи тасаввурот - образлари билан бошқаларда доимо яхши таассурот қолдиради. Ҳар қандай масалада атрофдагилар билан илиқ муносабат ўрнатиб, уларнинг кўнглига йўл топа олади. Ана шундай ҳислат ва хусусиятлар мужассам фазилат нишонлари бугунги кунда ватанимизнинг ҳар бир фуқароси қаторида ёшлар, айниқса, талабалар учун жуда муҳим тарбия воситаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзига мос ва ўзига ҳос ўринга, нуфузга эга бўлиб бораётган бир даврда ҳар бир фуқаролар айниқса, бўлажак маданият ва санъат ходимлари бошқалардан фарқли равишда маҳаллий ва дунёвий маданият кўринишлари – фикрлаш, сўзлашиш, кийиниш, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш, транспорт, театр, кино, концерт, музей, кўрғазма зали, тақдимот ва бошқа турли маросимларда иштирок этиш қоидаларини билишлари ва бошқа турмуш тарзларини эгаллаб олишлари талаб этилмоқда.

Зероки, бугун замонавий одатлар, одоб-ахлоқ меъёрларини билиш ва унга амал қилиш орқали ҳам бутун дунёни хайратга солиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Бунинг учун мазкур фаннинг назарий ва амалий тавсиялари уларга яқиндан ёрдам беради. Шундай экан, бугун ҳар бир бўлажак ёш ижодкорлар қатори маданият ва санъат ходимлари маҳаллий ва халқаро этикет мезонларини яхши ўрганиши, ўзлаштириши ва айтиш пайтда уларни кундалик турмушида амалий қўллай олишлари зарур.

Хуллас, этикет мутлоқо янги фан бўлиб, ватанимиз олий таълим муассасалари ўқув режасига учинчи минг йилликдан киритила бошланди. Шулар қаторида Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқув режасига илк бор киритилмоқда. Санъатшунослик факультети бакалаврият босқичи тўртинчи курс талабалари бу йилдан эътиборан замонавий ва маҳаллий этикетнинг кундалик турмуш меъёрлари, мезонлари ва энг муҳим ҳаётий қоидалари билан тўлиқ таништирила бошланди. Бунда асосан бадиий таълим билан бевосита боғлиқ бўлган соҳаларига эътибор қаратилди.

Мазкур ўқув қўлланма бу борада қилиниши лозим бўлган ишларнинг дастлабки дебочасидир. Шу боис у айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги табиий. Унда муаллифлар ўзларининг узоқ йиллик ҳаётий кузатишлари натижалари, мавжуд манбалар ва бу борадаги мутахассислар айтишса, Д.Мингбоева томонидан “янги аср авлоди” нашриётида тайёрланиб ўзбек тилида нашр этилган рисолада илгари сурилган лойиҳа ва тавсиялар, “Этикет” ҳамда М.Қувонованинг “Меҳмон кутиш санъати” номли рисоласи халқаро интернет тармоғига жойлаштирилган маълумотлар асос бўлди. Аммо иш шу билан тўхтаб қолмайди. Аксинча, кейинги ишларда кўтарилаётган муаммолар ечими ва мавзулар кўлами янада кенгрок доирада ёритилади, тилга олинаётган масалалар юзасидан халқаро доирада қабул қилинган энг сўнгги таклиф ва тавсиялар билан бойитилади. Муаллифлар мутахассислар томонидан айтиладиган мулоҳазалар ва таклифлар учун олдиндан ташаккурнома айтишни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар.

1-Мавзу: Этикет фанининг предмети, мазмун - моҳияти ва асосий вазифалари

Маъруза режаси:

- 1. Фанга оид атамалар ва уларнинг мазмун – моҳияти.**
- 2. Шарқ ва Европа этикетининг шаклланиши ва тарихий тараққиёти.**
- 3. Фаннинг моҳияти ва асосий бўлимлари.**

“Этикет” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, ҳозирги ўзбек тилига таржима қилинганда “ёзув” деган маънони англатади. Ушбу атама маъно жиҳатидан “этика” сўзига яқинроқ бўлса-да, ундан биров фарқ қилади. Этика аслида юнонча сўз бўлиб, таржимаси одоб-ахлоқ, одат, маросим кабиларни билдиради. Уларнинг умумий йиғиндисидан халқаро миқёсда умум қабул қилинган одатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, маросимлар тартиби, кетма-кетлиги ҳақида ёзилган қоидалар тўғрисидаги фан эканлиги келиб чиқади. Русча - ўзбекча луғатда одоб ахлоқ, мулозамат ва муомала маданияти сифатида талқин қилинади.

Мазкур атамага турли манбаларда турлича таъриф берилади. “Қисқача сиёсий луғат”да ёритилишича, этикет-одоб, ахлоқ қоидалари, муайян ижтимоий гуруҳларда ёки расмий функцияларни бажариш вақтида қабул қилинган муомала, одоблилик ва шу кабилар формаси (масалан, саройга хос мулозамат ва муомалалар)нинг тарихан шаклланган мезонлари сифатида таърифланади. “Этикет” номли рисолада “У аслида бирор ахлоқий тамойилни акс эттирса-да, ижтимоий ҳаётда у ахлоқий мазмунини йўқотиб, шунчаки шаклга, барча бажариши керак бўлган одатга айланиб қолади”, деган таърифда ҳам жон бор. Таниқли маданиятшунос Эдли Стивенсон эса “Этикет– бу оғзини очмасдан эснаш қобилияти” эканлигини эътироф этади. Айни пайтда этикет инсонни маданиятлилиكنинг юқори даражаси сари етакловчи, комиллика бошловчи ўта муҳим тарбиявий масалаларга бағишланган назарий ва амалий фанлардан биридир.

“Этикет” фани ўз мазмунини аввало замонавий авлодлар (ҳаёт кечириши давом этаётган), кишилиқ жамиятининг турли қитъа ва минтақаларида маданий ҳаётнинг қонун-қоидаларига мослаштириш заруриятининг асослари ҳамда ҳар бир халқ, элат (миллий таркибига биноан) ўзининг урф-одат, турмуш тарзи, ижтимоий ҳаёт жараёнларига муносабат риояларига давлат даражасида, шунингдек умумбашарий қадриятларни халқаро миқёс оламшумуллигида меъёрий расмий ва норасмий ҳужжатлар билан таъминлаш сабабларидан излайди. Соф фикрлик гарови – инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси ҳамда тадрижий таснифлашнинг ижтимоий мафкурадан келиб чиқиш сабаблари ҳақида мукаммал баёнотларга таянади. Фан нафақат ўзликни англаш, балки башариятни англашни ҳам ўз фикр доирасига кирита боради. Пировардида турмуш кечинмаларига ҳос борлиқ ва унинг табиати, табиат оламининг моҳияти, монандлик жуфтликларидан иборатлиги каби турфа шингил мисоллар билан ифода топтириши зарурий мазмун касб этишда англонади. Масалан, борлиқ, коинот–осмонлар, ер, юлдузлар, уларнинг ёрқин ва салқин тури, модда сайёралари, кун-тун, қуруқ-сувлик, қаттиқ-юмшоқ (сифат, модда, луғат) икки жинс наботот ва ҳайвонот оламларининг моҳиятлари, олд-орт, ён-вер ва ҳоказо...

Ҳап соҳага оид атамалар ҳақида борар экан энг аввало анъана, одат, маросим ва байрам тушунчалари моҳиятини очиб бериш лозим. Бу борада маданиятшунос Усмон Қорабоев олиб борган тадқиқотлар биз учун назарий асос бўлиши мумкин. Жумладан, олим ўзининг узоқ йиллик кузатишлари натижасида соҳага оид бар қатор тушунчалар ва уларнинг мазмун моҳияти ҳақида шундай хулоса чиқаради:

“Ҳар бир халқнинг ижтимоий маданий ҳаётида азалий анъана, урф-одат, маросим, байрамлар алоҳида ўрин тутади. Улар кишилар турмуш тарзининг ўзига ҳос ходисаси сифатида номоён бўлади.

“Анъана”, “одат”, “маросим”, бевосита байрам тушунчаси билан боғлиқ.

А н ъ а н а – тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатадиган маданий ҳодисадир. Анъана ўзига ҳос

ижтимоий ҳодиса сифатида кишилар онгига синган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади”.

Халқ анъаналари тушунчасининг ижтимоий-маънавий моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин: халқ анъаналари узок тараққиёт жараёнида этносларнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти асосида атроф муҳит, табиат, меҳнат жараёнларига боғлиқ ҳолда авлоддан-авлодга ўтиб тараққий этган ва асрлараро аجدодлар фикри, орзу-ўйлари, тажрибалари, ютуқлари ва бошқа қадриятларини мужассамлаштирган бебаҳо ижтимоий-маданий меросга айланган.

О д а т (урф-одат)-кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи ҳатти-ҳаракат, кўпчиллик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмасидир. Масалан, кичикларнинг катталарга салом бериши, уй-ҳовлини тартибга келтириб қўйиш, меҳмонларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш, байрам арафасида кекса қариялар, касал, ожиз, қийналган кишилар ҳолидан хабар олиш, кўни- кўшниларининг бирор ишига ёрдам бериш, ҳашарга бориш қабила ўзбек халқига ҳос яхши одатлар ҳисобланади.

Одат деган тушунча психологияда ҳам мавжуд бўлиб, у маълум шароит таъсирида вужудга келиб, кишиларнинг феъл-атворида мустаҳкамланиб қолган ва кейинчалик ўз-ўзидан беихтиёр бажариладиган ҳаракат маъносини билдиради.

Анъана ижтимоий ҳаёт, меҳнат, маданиятнинг барча соҳаларига ҳос ҳодиса сифатида жуда кенг доирани қамраб олади. Одат эса муайян бир кишининг турмуш тарзи, ҳатти-ҳаракати, хулқ атори, мулоқоти ва оилавий муносабатларида намоён бўлади.

М а р о с и м – инсон ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлашга қаратилган расмий ва руҳий кўтаринкилик вазиятида ўтадиган умум қабул қилинган тартиб-қоидаларга амал қилинадиган тадбир саналади. Масалан, исм қўйиш, никоҳдан ўтиш, дафн қилиш, хотирлаш, экишга киришиш (уруғ қадаш), ўримга киришиш маросимлари ва ҳоказолар.

Одат кундалик ҳаётда доимо кузатилса, маросим эса инсон ҳаётидаги муҳим ҳодисалар содир бўлганида вужудга келади. Маросим кишилар ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни (масалан, туғилиш, уйланиш, ўлим кабиларни) қайд этади, расмийлаштиради. Маросимларни ўтказишда авлоддан-авлодга ўтадиган рамзий ва расмий анъаналар, қоидаларга амал қилинади. (Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари, 8-9 бетлар).

Ўзбек халқи азалдан ўзининг бетакрор бадиий мероси билан жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшиб келган. Буюк аجدодларимиз томонидан яратилган улкан маданий меросимиз ҳамон дунё илм аҳли эътиборини ўзига жалб этиб келади. Маданият дастлаб Шарқда пайдо бўлиб, Ғарбда тақомилига етганлиги тарихий манбаларда аллақачон ўз исботини топган. Қадим Ўзбекистон ҳудудлари Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасида воситачи вазифасини бажариб келган. Буюк ипак йўли савдо қарвонларида энг илғор ғоялар, ноёб қўлёмалар, буюк ихтиролар ҳам у давлатдан бу давлатга ўтиб турганлигига шубҳа йўқ. Шу боис ўзбек маданияти ва санъатида ҳар иккала маданият қоришиқ ҳолда намоён бўлади. Биргина “Базми Жамшид” атамасининг пайдо бўлганлигига салкам 18 аср бўлди. Бу шоҳ Жамшид давридаёқ аجدодларимиз турли шаклдаги байрамларни нишонлаш, томоша майдонларини юксак дид билан безаш, шоҳона дастурхон тузаш, байрамга мос кийиниш, турли мажлис ва маросимларда ўзини тутиш, омма олдида жарангдор, ҳамма учун тушунарли ва ёқимли тарзда фикрини баён эта олиш, нутқ сўзлаш, ўз мавқеи ва даражасига мос ҳатти-ҳаракат қилиш, томошабинлар олдида ўзининг санъаткорлик қобилиятини намоёйиш этишда катта тажрибага эга бўлганлигидан далолатдир.

Ҳарчи, ўтмишда этикет атамаси ишлатилмаган бўлсада, бобокалонларимиз шарқона одоб-ахлоқ, нафосат, гўзаллик, саришталик борасида яхшигина мактаб ярата олганлар. Ҳар томонлама комиллик аломатлари мусулмончилик даврида ислом маданияти билан қоришиқ ҳолда намоён бўла бошлаган. Соҳага оид бир қатор рисоалар, насихатномалар, пандномалар, сиёсатномалар, ҳикоятномалар яратилган.

Улар орасида X, XI асрларда яшаган қомусий илм соҳиби Унсурулмаолий Кайковуснинг “Қобуснома” асари ниҳоятда қимматлидир. Асарда ўша давр подшоҳларининг давлатни бошқариш, иймон - эътиқод, фуқаролар ва амалдорларни мартабаларига қараб муносабатда бўлиш масалаларининг барча жиҳатлари баён этилган. Жумладан, парвардигори оламни таниш, пайғамбарлар хилқати, яратилган неъматлардан ўз ўрнида фойдаланиш, ота-она олдидаги бурч ва муносабат чегарасини билиш, хунар эгаллаш сирлари, юксак дид, фаросатлилиқ, зехн, суҳандонлиқ билан юксак мартабага эришиш, қарилик ва йигитлик сифатлари, таом ейиш ва шароб ичиш одоби, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш, шатранж, нард, чавгон ўйнаш, фойда олиш, ҳаммомга бориш, ухлаб дам олиш, овга чиқиш, жангда ўзини тутиш, мол-мулк йиғиш, омонатни сақлаш, уй ва от сотиб олиш, уйланиш, фарзанд ўстириш, дўст тутиниш, душмандан андиша қилиш, илм ўрганиш, тижорат ва шарқона бозор одатларини билиш, тиббиёт, илми нужум, хандаса, хофизлик ва созандалик малакаларини ўрганиш, подшоҳлик ва унинг хизматларига оид кўникмаларини ҳосил қилиш, вазирлик шартлари ва расмлари, жавонмардлик ва деҳқончилик синоатлари тўлиқ очиқ берилган.

XI асрда яшаган улуғ бобокалонимиз, шоир ва мутафаккир Низомулмулкнинг ўғли Маликшоҳга бағишлаб ёзган “Сиёсатнома” асарида ҳам ўз даврида урф бўлган одатлар, этикет меъёрлари ҳақида баён этилган. Асар элликта фасл (боб) дан иборат бўлиб уларнинг барчаси ўз даврида муҳим тарбиявий аҳамиятга молик бўлган соҳаларга оид одоб-ахлоқ мезонлари тилга олинади. Шу боис ҳам мовлоно Физулий демишлар: Адаб сариштасини тутғил, адабдан яхшироқ роз ўлмас. Адабсиз икки оламда билгилки сарафроз ўлмас.

Ўрта асрларда, хусусан Амир Темур ва Темурийлар замонида юртимиз барча соҳаларда бўлгани каби маданий турмушида ҳам энг гуллаб яшнаган даврни бошидан кечирган. Темурийлар замонида маҳаллий одоб-ахлоқ қоидалари, меъёр ва мезонлари ўзининг классик даражасига кўтарилган. Бу даврда сарой этикети ҳар томонлама юксалган. Деярли барча манбаларда байрамлар, расмий қабул

маросимлари, туғилган кунлар ва бошқа мажлисларда вазирлар, сарой маликалари, ҳарбий қўмондонлар, элчилар, қозилар, уламолар, шоирлар ва илм аҳлининг ўз мартабаларига қараб муносабат билдирилганлиги қайд этилган.

Хонликлар даврида Амир Темур ва Темурийлар томонидан урфга айлантирилган этикет қоидалари янада такомилга етказилди. Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида миллий этикетда Европа этикети таъсири сезила бошланди. Бир томондан миллий ўзига ҳосликни сақлашга ҳаракат қилинган бўлса, иккинчи томондан замонавий рус этикетини киритиш ҳаракати – трансформация жараёнлари кузатилди. Бу жараён собиқ иттифоқ йилларида ҳам давом этди. Шўролар замонида барча миллатлар учун умумий бўлган ягона совет халқини яратишга қаратилган сиёсат охир - оқибат самарасиз якунланди. Собиқ шўролар ҳукуматининг бундай бесамар сиёсатига мустақиллик шарофати туфайли батамом барҳам берилди. Натижада халқимизнинг азалий қадриятлари қатори анъанавий этикет борасидаги меросини ўрганиш замонга мос қайта тиклаш ва ёшларга ўргатиш учун кенг имкониятлар яратилди. Мазкур ўқув қўлланманинг яратилишини эса соҳани ривожлантиришдаги дастлабки қадамлардан бири дейиш мумкин.

Европада этикетининг пайдо бўлиши 15 - асрга бориб тақалиши халқаро интернет тармоғида қайд қилинган. Унинг шаклланишида Ғарбий Европа Қироллари саройидаги маданий муҳит турли маросимларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши асосий роль ўйнаган. Ижтимоий зарурат туфайли этикет авваллига Испан ҳокимлари, сал кейинроқ Французлар саройида ривожланди. Бу даврда Европада этикет қоидаларига бағишланган рисоалар бирин–кетин пайдо бўла бошлади. Олий ҳукмдорлар томонидан мухташам саройларда маросимларни ташкил этиш ва бошқариш учун махсус “церемонемейстер” лавозимлари жорий этилди. Улар қирол саройида ўтказиладиган турли маданий тадбирлар-никоҳ тўйлари, фарзанд туғилиши ва дафн маросимларини ташкил этиш расм-русумлари, шакллари, жараённинг ўзига ҳос сир-асрорлари, вақт чегаралари, тадбирнинг кун тартиби,

иштирокчиларнинг ўзини тутиш қоидалари ва шунга ўхшаш сарой ҳаётининг барча одатларини тартибга солиш вазифасини бажарган. Шунингдек, қироллар оила аъзоларининг юриш туриши, кийиниши, сайрга чиқиши, овқатланиши ва қиролга ҳамроҳлик қилиши каби масалаларда меъёрлар аниқ белгилаб берилган.

Қирол Герцог даврида Французлар саройида ҳафтасига уч маротаба фуқароларни қабул қилиш маросимини тантанавор руҳда ўтишига алоҳида эътибор берилган. Маросимда ҳар бир фуқаро қиролга ўз илтимосномасини ёзма равишда топшириши мумкин бўлган. Сарой аҳли ўз мартабаларига қараб тахтнинг икки ёнidan жой олган. Фуқаролар навбати билан тиз чўккан ҳолда ўз аризаларини олий ҳукмдорга тақдим этган. Аризалар тантанали тарзда ошкора ўқилиб, оқилона ҳал этилган, ҳеч қайси шикоят жавобсиз қолдирилмаган. Маросим катта тантана-байрамона (шодиёна) тарзда олиб борилган.

Фаннинг моҳияти ва асосий бўлимлари. Халқаро интернет тармоғида замонавий этикет инсон хулқининг бошқарилиши (йўналтирилиши) ва одатларининг ўзига хос мезонларини ўрганувчи алоҳида фан эканлиги эътироф этилади. Фаннинг асосий вазифаси-танишув қоидалари, икки инсонни бири-бирига таништириш, театрда, кинода, магазинда жамоат транспортида киши ўзини қандай тутиши, меҳмонни қандай кутиш ва қабул қилиш, халқаро тадбир ва оилавий байрамларни қандай ташкиллаштириш, байрам ёки тадбир столини қандай безаш, меҳмонларни стол атрофида қандай жойлаштириш, дастурхон атрофида ширинсуханлик билан муомала қилиш кабиларнинг маҳаллий ва замонавий кўринишларини амалий ва назарий ўргатишдан иборат.

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос этикет қоидалари бўлгани каби ўзбек халқининг ҳам тарихан узоқ асрларга бориб тақалувчи ўнлаб одоб ахлоқ китоблари амал қилиб келинган. Замонавий этикетни эса кишилар ҳаётий эҳтиёжлари туфайли учинчи минг йилликда такомилига етказилган ва доимий равишда ўзгариб турувчи ахлоқ қоидалари мажмуаси деб тушуниш мумкин. У айти пайтда фан сифатида ахлоқшунослик, одобнома, нафосат, санъатшунослик, маданиятшунослик,

ташкilotчилик маданияти, нутқ маданияти, маънавий асослари, либос тарихи, иш юритиш, тадбиркорлик асослари ва бошқа фанларнинг хулосаларига таянади.

Этикет-жамият ва шахслараро расм бўлган халқаро доирадаги замонавий маданиятнинг ўзига ҳос кўзгусидир. Аммо унинг назарий ва амалий асослари, тавсиялари, тартиб ва меъёрлари инсоният маданиятининг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Яъни ҳар бир миллатнинг, халқнинг ёки этник ҳудуднинг ўзига ҳос ижтимоий турмуши, маънавий қиёфаси ва қадриятларини ҳар томонлама кенг қамраб олган анъаналари, расм-русумлари бўлади. Шулар қаторида ўзбек халқи ҳам бу борада тарихан шаклланган теран мазмунли ниҳоятда бой меросга эга. Қанчадан-қанча пандномалар, том-том жилдларга жо бўлувчи насихатномалар, сарой аҳли учун битилган сиёсатномалар, жангномалар, таъбир ва толеномаларни санаб адоғига етиш қийин. Мазкур манбалар ҳамон ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Уларда аждодларимизнинг турли маросимларда ўзини қандай тутиш кераклиги, оилавий муносабатлар сирлари, кийиниш маданияти, устоз ва шогирдлик мақоми, мажлисларда ўтириш ва сўзлашиш одоби ҳамда атрофдагилар билан яхши муносабат ўрнатиш меъёрлари ҳақида аниқ мисоллар билан батафсил тавсиялар берилган. Этикет фани уларнинг барчасини жамлаб, қиёсий таҳлил қилиб, ўз хулосаларини баён этади ва дунёдаги барча миллатлар халқлар ва этник ҳудудлар учун умумий тарзда қабул қилинган ўзини тутиш, замонавий одоб-ахлоқ қоидалари ва меъёрларини ўрганади. Шу билан бирга уларни жамиятнинг барча аъзоларига тавсия қилади.

Замонавий этикетда шахснинг ташқи ва ички гўзаллиги, сийрат ва сифатлари ҳамда тафаккурини уйғунликда шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бу каби хусусият ва ҳислатлар, ахлоқий меъёр, сабр-тоқат, ақл билан қарор қабул қилиш, атрофдагиларга нисбатан хушмуомалалик билан самимий муносабатда бўлиш, камтарлик, ҳар қандай ҳолатларда ҳам инсонни маънавий юксаклик сари етаклайди, жамият тараққиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

“Инсоннинг ўз даражасига етолмаслиги-бу жаҳолатдан ўзга нарса эмас. Ўз даражасидан ошмоқлик эса доноликнинг ўзгинасидир”, деган эди Суқрот. Агар этикет кишиларнинг ҳаётда ўта юксак маданиятлилик даражасида намоён бўлишини эътиборга олсак, бу гап айнан мазкур фанга тегишли эканлиги аён бўлади.

Бугунги кунда ҳар бир соҳа ва ижтимоий табақа вакилларининг ўзига хос этикети шаклланган. Улар фаннинг асосий бўлимларини ташкил этади.

- 1. Раҳбар ходимлар этикети.**
- 2. Халқаро дипломатик муносабатлар этикети.**
- 3. Ишбилармон доиралар этикети.**
- 4. Эркак ва аёллар ўртасидаги муносабатлар ва oilавий этикет.**
- 5. Илмий ва бадиий ижод соҳалари этикети.**
- 6. Тиббиёт ходимлари этикети.**
- 7. Санъат ва спорт этикети.**
- 8. Педагогик этикети.**

Ҳар қандай маданий ривож мамлакатлар иқтисодий салоҳиятидан ва уни оқилона, одилона соҳа ва табақалараро тенг тақсимлашни уддасидан чиқа олган тақдирдагина этикет гавдаланади. Ҳар бир соҳада бўлгани каби мазкур фаннинг ҳам ўз тартиб қоидалари шаклланади. Этикет меъёрлари бошқа ахлоқий мезонларидан ўзининг бирмунча эркинлиги ва доимий равишда такомиллашиб бориши билан фарқ қилади. Бу меъёрлар қачон ва қай ҳолатда нима қилиш мумкину, нима таъқиқланиши ҳақида одамлараро тузилган оғзаки битимга ўхшайди. Ҳар бир маданиятли киши нафақат этикетнинг асосий шартларини билиши, балки ўзаро муносабат қоидаларининг ҳаётий аҳамиятини яхши англаши ҳам лозим.

Шундай қилиб, фаннинг асосий вазифаси жамиятнинг ҳар бир аъзосини ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳурмат қилиш, ўзи билан тенг мавқеда тан олиш ҳислатларини шакллантиришдан иборат. Бундай ҳислатларга эга бўлиш учун замонавий этикетнинг қуйидаги таркибий қисмларини ўзлаштирган бўлишлари даркор;

- **жамоат жойларида ўзини яхши тута олиш (миллий иқтисодий салоҳият намоёндаларининг ижоди);**
- **ярашиқли, композицион бутунликдаги ташқи қиёфа, ибo, ҳаё, қарашма ва ҳоказолар;**
- **миллий асосларда шаклланган замонавий ва ёқимли муомала маданияти;**
- **зийраклик, ишбилармонлик ва уddaбуронликни уққанлиги ва амалга ошира олиши;**
- **ҳар қандай ишда меъёр ва мезонга амал қилиш (вақт, сармоя, саломатлик);**
- **меҳмонга бориш ва стол атрофида ўтиришда тавозеълик ва андишаворлик чегараларини билиш.**

Этикет кундалик ҳаётда, ишда, ўқишда, кўча куйда, меҳмондорчиликда, турли расмий ва норасмий тадбирларда, маросимларда ўзини тутишнинг миллий ва халқаро меъёрларини ўргатувчи мустақил замонавий фанлардан биридир. Айни пайтда у кишилар ўртасидаги мулоқотлар асосини ташкил этади. Ўзарo мулоқот, ҳаракат, туйғу, фикр-мулоҳаза, ички ва ташқи кечинмаларнинг энг яхши қирраларида намоён бўлади. Этикет қоидаларига амал қилган кишининг мавқеи кўтарилади, бошқалар олдида эътибори ошади, турмуш тарзи яхшиланади. Қолаверса, атрофдагилар билан яхши муносабат ўрнатиш, тарбияли, маданиятли замонавий шахснинг биринчи галдаги вазифалари сирасига киради. Шу жиҳатдан ҳам маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб борувчи бўлажак мутахассисларга этикет фанини ўргатиш бугунги кунда ўта долзарб масалалардан биридир.

Таянч тушунчалар

Этикет ва этиканинг ўзаро алоқадорлиги, этикетнинг асосий вазифалари одоб-ахлоқ, анъана, одат, маросим, байрам, Миллий ва Европа этикети. Этикетнинг асосий бўлимлари, кўринишлари, этикетда шарқона меъёр ва мезон тушунчалари.

Такрорлаш учун саволлар

1. Этикет фанининг ҳозирги кундаги тарвиявий аҳамияти нимадан иборат?
2. Фаннинг амалий тавсияларини қандай ўзлаштириш мумкин?
3. Этикет фанига оид атамалар ва уларнинг моҳиятини изоҳланг?
4. Шарқ этикетининг ўзига ҳос жиҳатларини айтинг?
5. Замонавий этикетнинг таркибий қисмларига таъриф беринг?
6. Фаннинг асосий бўлимларини санаб ўтинг?
7. Замонавий одоб – ахлоқ даражаси ва меъёрларини қандай тасаввур қиласиз?

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. Республика маънавият ва маърифат маркази.- Тошкент: Ўзбекистон, 2006.- 42 б.
2. Абдурахмонов И., Тошлонов Т. Этикет. (Маданият ва санъат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма), К. Бехзод номидаги МРДИ.- Тошкент, 2008. - 56 б.
3. Кайковус. Қобуснома.- Тошкент: Истиқлол, 1994. -173 б.
4. Мингбоева Д. Замонавий одоб-ахлоқ китоби.- Тошкент: Янги аср авлоди нашриёти, 2007.- 128 б.
5. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари.- Тошкент. 2005. – Б.8-9 .

2-Мавзу: Жамоат жойларида ўзини тутиш этикети

Маъруза режаси:

1. Кўчада ўзини тутиш одоби.

2. Жамоат жойларида ўзини тутиш одоби юзасидан амалий тавсиялар.

3. Жамоат жойларида замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш одоби.

Жамоат жойлари деганда энг аввало кўпчилик кишиларга мўлжалланган транспорт воситалари (автобус, троллейбус, трамвай, поезд, метро, такси, самолёт), томоша майдонлари, кўчалар, хиёбонлар, корхоналар, ўқув юртлари, истироҳат боғлари концерт, кино ва театр бинолари, кафе ва ресторанлар назарда тутилади. Бундай жойларда ўзини тутишнинг тартиблари ва меъёрлари мавжуд. Жамоат жойларида тарбияли маданияти юксак кишилар билан мулоқот қилиш ёқимли. Ижобий сифатларга эга бўлган хуш фелли кишилар одамни ўзига тортади. Улар билан бўладиган мулоқотдан бахри дилимиз очилади. Салбий фел-атворга эга бўлган кимсалар эса ғашимизни келтиради, улардан узоқроқ юришга ҳаракат қиламиз. Кўча-куйда ҳар ким ўз ташқи қиёфасига, касбу-кориға, ички табиатига мос қадам ташлайди. Одамлар тоифаси ҳар хил бўлганлиги боис уларнинг юришида ҳам турли манзара кузатилади. Кишиларнинг кўчада қадам ташлашига қараб баъзида ҳаётидаги ўрни, мавқеи ва касбини ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, кўкрагини ғоз тутиб шаҳдам қадам ташлаб кетаётган ёши каттароқ эркак кишига қараб унинг узоқ йиллар ҳарбий соҳада хизмат қилгани ва бошлиқ лавозимларида ишлаганлигини аниқлаш осон. Елкасига фотоаппарат ва турли фото анжомларини осиб олиб, атрофни эркин, синчиклаб кузатиб кетаётган кишининг эса сураткашлигини айта оламиз. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, қоматнинг тузилиши ҳам қадам ташлашда асосий белги ҳисобланади. Бўйи бироз паст бўлган, тўладан келган одамлар қисқароқ қадам ташлайди. Бўйи баланд, озғинроқ одамлар қадам ташлаши бироз бошқачароқ. Кимдир елкасининг бир томонини бироз эгиб юришга одатланган, бошқаси эса

қўлини силтаб юришни хуш кўради. Айримлар оёғини ён томонга ташлаб юрса, бошқалари гавдасини озгина эгиб қадам ташлайди. Хуллас, ҳамма ўзича ҳаракат қилади, ўзича дунёга назар ташлайди, ҳис қилади. Беш қўл баробар эмас.

Хўш, кўчада юриш чоғида нималарга эътибор бериш керак? Замонавий этикет қоидаларига кўра бўлажак санъаткорлар учун олдин ойнага қараб озгина юриб кўриш тавсия қилинади. Шунда унинг қадам ташлаши атрофдагиларда қандай таассурот қолдираётганлигини ҳис қила олиши осонроқ. Борди-ю, агар шунда ҳам унинг камчиликлари кўзга ташланмаса, мутахассислар маслаҳатига кулоқ тутилади. Баъзида махсус режа асосида шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан туғма камчиликларни ҳам бартараф эта олган кимсалар ҳам учраб туради. Бундай кишиларнинг иродаси ниҳоятда мустаҳкам, ҳаёт учун кураша оладиган бўлади. Улар ҳаётнинг ҳар қандай синовларига дош бера олишлари билан бошқалардан ажралиб туради.

Тўғри юриш айниқса, **қизлар учун** жудаям муҳим тарбиявий ҳислатлардан биридир. Ўзбек халқида уларнинг ташқи қиёфасига ва юриш туришига қараб хулоса чиқарилади. Қаерда ва ким бўлишидан қатъий назар қадамини тўғри ташлай олишни билиши зарур. Агар бориладиган жой унчалик шошилишч бўлмаса, атрофни синчков кузатиб ўртача тезликда бемалол тўғри қадам ташланади. Айниқса зиналардан тепага чиқилаётганда эҳтиёткорлик талаб этилади. Жинси шим ва красовка (спорт пойафзали)да эса бироз эркинроқ ҳаракат қилиш имконияти мавжуд. Аммо спорт услубидаги либослар фақатгина спортчилар учун ишлаб чиқарилишини унутмаслик даркор. Бундай кийимлар спорт майдонларида кийилгани яхши.

Қаерда инсон ўз тана аъзоларини қандай ҳаракатга келтириши унинг ботиний онги, фикрига биноан анланган тасаввур хужайраси ҳосил бўлгач, сихат–саломатлиги, қувватига мувофиқ ҳаётга тадбиқ қилади. Ваҳоланки, инсон онги атрофдаги турфа рангдаги олам гўзалликларини англаш, сезги эса ҳис қилиш учун табиат ва жамиятдаги нафосат ва назокатга оид билимлар, кўникмалар билан

доимий равишда озиқлантирилиб борилади. Пировардида кишиларнинг бу борадаги малакаси ҳосил бўлади.

Кўчада бош тик тутилиб тўғрига қараган ҳолда юрилади. Қўл икки ёнга қадамнинг катта ёки кичик ташланишига қараб бироз тебраниши мумкин, лекин ҳарбийлар сафидаги каби расмий тус берилмайди. Тўхтаётганда оёқ товонлари бир қаторда ёнма-ён туриши лозим. Оёқ учлари бироз икки томонга қаратилади.

Халқаро этикет меъёрларига кўра эркак ва аёл кўчада кетаётганда ёнма-ён юриши тавсия этилади. Бизда эса эркак бироз олдинроқ юриши мумкин. Аёл киши тор юбка кийган бўлса, тез юриши қийинроқ. Бундай пайтда эркак ҳам шунга мос равишда қадамани бироз қисқароқ ташлайди. Аммо ҳеч қачон кўпчилик олдида бир-бирининг пинжига кириб ўтириш, ўпишиш ва бошқа шунга ўхшаш ортиқча ҳаракатлар қилинмайди. Қолаверса, бундай ҳолатлар миллатимиз менталитетига ҳам тўғри келмайди.

Ўзбек халқининг тарихан шаклланган яхши фазилатлари жудаям кўп. Шулардан бири хушмуомалалик ва саришталикдир. Биз ҳар доим юксак фазилат эгаси бўлишга ҳаракат қилиб келамиз. Бу хусусият ишда ва турмушда жуда ҳам асқотади, атрофдагиларда яхши таассурот қолдиришига сабаб бўлади, кескин вазиятларни юмшатади. Айниқса, хушмуомалалик ўзаро жанжалларнинг олдини олади, ўзаро ҳурмат-иззатни, жамоат жойларида ўзини тутишни ўргатади. Аммо хушмуомалалик фақатгина оғизда бўлмаслиги лозим. Ҳар қандай ширин калом чин дилдан чиққани яхши. Шундагина киши ўз гап сўзларини чинаккамига назорат қила олади. Соҳа мутахассислари томонидан жамоат жойларида ўзини тутишда қуйидагилар тавсия қилинади.

- барча турдаги расмий муассасалар, ташкилотлар ва идораларга бош кийимда кирмаслик ва у ерда баланд овозда гапирмаслик;

- шовқин кўтармаслик, атрофдагиларга ҳалал бериб, ғашига тегмаслик;

- билиб туриб бошқа дин, миллат ёки давлат вакиллари ерга урмаслик, таҳқир ва нафсониятига тегмаслик;

- бировнинг камчилиги ва хатоларини ҳаммага ошкор қилиб, устидан кулмаслик, ўзини ўзгалардан устун қўймаслик;

- ўзига узатилган қўлни намоийшкорона олмаслик, атрофдагиларга нисбатан беҳурматлилиқ ва беҳимматлилиқ қилмаслик ;

- суҳбатдошининг шахсиятини ҳақорат қилувчи ноўрин сўзларни айтмаслик;

- ёзилган хат ёки турли хилдаги совғаларни беписандлиқ билан қайтариб юбормаслик, бошқаларга ёзилган хатларни рухсатсиз очиб ўқимаслик;

- ҳамсуҳбатининг яқин кишиси, оила аъзолари ҳақида менсимай гапирмаслик;

- бегоналарнинг сумкасини рухсатсиз очмаслик, агар у очик бўлса, ичига назар ташламаслик, ўзгалар ҳамёнини текширмаслик, ичидагиларни ушлаб кўрмаслик;

- сўрамасдан бошқалар столига тегинмаслик, ичидагиларнинг жойини ўзгартирмаслик, тортмаларни титмаслик, бегона шкаф, буфет ва қутиларни очиб қарамаслик;

- жамоат жойларида ортиқча чиқиндилар (сигарета қолдиқлари, кераксиз ашёлар, қоғозлар)ни ташламаслик, писта пўчоқларини атрофга сочиб юбормасдан фақатгина ўрнатилган ахлат қутилари ичига ташлаш, тўғри келган жойга нос туфлаб, тозаликка путур етказмаслик;

Шунингдек, ўзи ҳақида ижобий фикр ва ишонч ўйғотишни истаган киши камтар, бегараз, тартибли бўлиш, барча масалада меъёрни эсан чиқармаслик, чегарадан чиқмаслик лозим. Негаки, ҳар қандай ҳаракатнинг ҳам керагидан ортиқчаси атрофдагиларнинг медресига тегиши мумкин.

Кўпчилликка мўлжалланган жамоат жойларида устидаги кийимини намоийшкорона тартибга келтириш, галстугини, соч турмагини тўғрилаш, тирноқ тозалаш, ўзига зеб бериш кабилар тавсия этилмайди. Бундай ишлар фақат уйда, меҳмонхонада ва шунга ўхшаш бошқаларнинг эътиборини тортмайдиган махсус жойларда бажарилгани маъқул.

Жамоат жойларида эркакларнинг жимжималоғи билан тишини тозалаши, бармоқларини қирсиллатиши, кафтини бир-бирига ишқалаши, уриши, ёнидагининг

кийимидан тортиши, бошқаларга эшиттириб кўшиқ ҳиргойи қилиши, норозилигини кўпол, таҳқиромуз сўзлар билан билдириши ҳам ноўрин. Шулар қаторида аёлларга кўл текизишга ҳаракат қилиши, аёлларнинг ўзлари хоҳламаётганликларини билиб туриб улар билан кўл бериб кўришишга интилиши, ўта даражада ҳаддан ошиқ миқдордаги спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда жамоат жойларида сайр қилиши ёки ишхонага бориши ҳам ўзи ҳақида ёмон таассуротлар келтириб чиқариши шубҳасиз.

Аёлларнинг иш столида ошкора пардоз қилиши, хиринглаб беўхшов кулиб ўтириши, ишхонада кўча сўзлари, кўпол ўхшатишмаларни ишлатиб гапириши, иш вақтида шахсий масалалар юзасидан телефонда гаплашиши ёки компьютерни банд қилиши тавсия этилмайди.

Инсон ўзи тўғрисида ижобий фикр ўйғотмоқчи экан, ўзгалар билан мулоқот чоғида кўлини чўнтагига солиб туриши ёки кўл силтаб гапириши, атрофдагиларда унинг тўғрисида салбий таасурот қолдириши мумкин. Шулар қаторида, бармоқ билан бирор нарсани чертиш, узук, маржон ёки сумка боғичини ўйнаш, бармоғига соч толасини ўраш, суҳбатдошига орқасини ўгириш, эснаш, тез-тез соатга қараш каби ёмон иллатлардан воз кечилгани маъқул.

Жамоат жойларида қуйидаги одат ва ҳаракатлар тавсия этилмайди. Улардан энг муҳимлари - кўпчилик олдида оғзини катта-катта очиб эснашдир. Бу хатто оила даврасида ҳам таъқиқланса зарар қилмайди. Зеро, тарбия энг аввало оиладан бошланади. Оила мустаҳкам бўлса, жамият ривожланишда давом этади. Жуда иложи бўлмаганда, оғиз очмай, эҳтиёткорлик билан ҳеч кимнинг эътиборини ўзига жалб этмасдан оғзини дастрўмол билан ёпган ҳолда эсналади. Баъзида тўсатдан ҳикқичоқ тутиб қолади. Бундай вазиятларда ошхонага бориб ҳикқичоқни тўхтатиш чоралари кўрилади. (Бир кўл билан бурун бекитилиб, нафас олмай сув ичиш тавсия этилади). Кўча - куйда кўлни пальто, пиджак ёки шимнинг чўнтагига солиб юриш ҳам унчалик тўғри эмас. Бу ишни фақатгина зарур нарсани олиш учунгина қилинса кифоя.

Ҳинд халқида аёллар атайлаб сари кийдириб юрилади. Сари юбкаси қанчалик тор бўлса, унинг қадам ташлаши шунчалик кичик ва чиройли кўриниш ҳосил қилади, табиийки, бу бошқаларнинг ҳавасини келтиради.

Шунингдек, турли об-ҳаво шароитида кишиларнинг нафас йўли шамоллаши оқибатида келиб чиқадиган йўтални ҳам тўхтатиш бироз қийинроқ. Шундай ҳолатларда бошни бироз чапга буриб, оғизни дастрўмол билан беркитиш тавсия қилинади. Энг эътиборлиси, суҳбат чоғида тўхтовсиз бурун тортиш ва унинг ичини жимжималоқ билан қовлашдир. Бошни қашлаш ва қулоқни қўпол тарзда тозалаш ҳам ана шундай салбий одатлар қаторига киради. Тўғри, уларнинг барчасидан бирданига қутулиш мушкул. Шу боис мазкур одатларни навбатма-навбат, босқичма-босқич камайтириб боришни тавсия этамиз. Шундай қилинганда ёмон иллатлар аста-секин бартараф этилиб борилади. Пировардида улардан бутунлай ҳоли бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, азалдан тўғри ўтиришга ҳам алоҳида эътибор берилиб келинган. Ўзбек халқида бу борада ўзига хос мактаб яратилган. Бирок замонавий этикетда қизлар қадди-қоматини тўғри тартибга сола олишда ўтириш қоидалари муҳим роль ўйнаши алоҳида ўрганилган. Ўтириш одобини эгаллаш жудаям муҳим жараён. Бу-бошни қўл билан ушламай, у ёнидан бу ёнига қимирлатмай, оҳиста атрофни кузатиш, креслонинг ўртасига хотиржам жойлашиш, бармоқларни ўйнатмаслик, идишни қўлда айлантirmаслик, гавдани тўғри ҳолатда тутиб туриш, стул четида ўтирмаслик, ўзини игна устида ўтиргандек ҳис қилмаслик, оёқларни бир-бирига урмаслик, ерни тепмаслик деганидир.

Чекиш. Қуйидаги ҳолатларда чекиш мумкин эмас:

-“Чекиш мумкин эмас”лиги тўғрисидаги эълон осиб қўйилган жойда;

-эълон осилмаган бўлсада, чекиш таъқиқланадиган жойлар: театр, кино, ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, шифохона, имтиҳон бўлаётган хонада;

-шахсий хонадонларга киришда, ташкилот ва муассасаларда, магазинда, жамоат транспортида;

-беморлар ётган хонада, рақсга тушиш пайтида;

- тушлик пайти биринчи ва иккинчи таом оралиғида;
- тантанали мажлис вақтида;
- аёллар учун кўчада.

Эркаklar аёллар жамоасида театр ва кинодан сўнг узоқ вақтли сайр пайтида чекиши мумкин.

Бегона хонадонда агар уй соҳиби чекишга таклиф этмаса, албатта чекишга рухсат сўраш одобилик аломатидир. Ҳар қандай чекувчининг ўз сигаретаси бўлмоғи лозим.

Аёллар эркаklar сигаретаси учун олов улашмайди. Гугурт ёки олов қўлга берилмайди, чекишдан олдин ким биринчи гугуртни ёқса у олов билан қолганларни ҳам таъминлайди.

Аёл киши чекмоқчи бўлиб ёнидан гугурт чиқарса, ёнидаги эркак олдинроқ унга сигаретасини ёндиришга кўмаклашади.

Кимдир эркак кишига тик ҳолатда сигарета ёки олов таклиф қилса, у ҳам узатилган нарсани тик туриб олади. Ўзи тик турганларга сигара ёки оловдон бермоқчи бўлса ҳам ўрнидан туради .

Иккаласи ҳам ўтирган бўлса, туриши шарт эмас. Аммо ёнидаги учинчи киши учун ўрнидан турилади.

Сигарета кукуни кулдонга қоқилади. Қимматбаҳо ваза, овқат идиши ёки иситиш қурилмаларига қоқилмайди. Агар у бўлмаса олиб келиш сўралади. Ёниб турган сигара мебелда қолдирилмайди. Оғизда сигара билан саломлашилмайди ва гапирилмайди. Сигара тутунлари олдида ёки ёнидагиларга боришига йўл қўйилмайди.

Кўчада юриш одоби. Кўчада эркак киши аёл кишини чап томонида юриши керак. Агар иккита киши бўлса ёшроқ киши чап томонда юриши лозим. Агар кўча ифлос бўлса, ёки йўл ишлари олиб борилаётган бўлса, эркак йўлакнинг йўлга нисбатан томонида юриши керак. Агар кўчада уч киши кетаётган бўлса, ўртасида ҳурмати баландроқ одам юради. Масалан, профессор икки студент ўртасида, аёл

икки эркак орасида, эркак икки аёл бирикмасида эркак ўртада юради. Бу билан эркак икки аёлни тенг кўриши суҳбатни қўллаб қувватлашини билдиради. Агар тўрт киши кетаётган бўлса, иккига бўлингани маъқул, аёллар ёки катталар олдинда юрадилар. Агар беш киши бўлса, икки ва уч кишига бўлинадилар. Бунда ҳеч ким ёлғиз қолмайди. Зинадан кўтарилаётганда эркак киши аёлдан бир поғона пастда юриши керак. Шунда у аёлни ноқулайликда ушлаб қолиши мумкин. Тушаётганда эса эркак аёлдан шундай ортда юриши керакки, қоқилганда ушлаб қолишга улгуриши керак.

Кўчага керакли темп (тезлик) да ҳаракатланаётган пиёда ва машиналарга ноқулайлик яратмасликка ҳаракат қилиш керак. Тарбияли одам кўчада:

- жанжаллашмайди, тупурмайди, қўл билан кўрсатмайди;
- болаларига бақирмайди;
- дўсти билан гаплашиш учун йўлни ўртасида тўхтамайди;
- чим устида юрмайди, йўлакнинг чап томонидан юрмайди, чиқинди ташламайди, писта чақмайди.

Қандайдир қизиқарли буюм қўйилган витринага куч билан кириб бориш чиройли эмас. Кўчада ҳадеб ўгирилавериш ҳам чиройли иш ҳисобланмайди. Эркак аёл билан суҳбатлашиб кетаётганда ёнидан ўтиб кетаётган бошқа аёлларга қараши ҳам одобдан эмас.

Йўл ҳаракати қоидабини бузиш (пиёда) нафақат ўз ҳолатини хавф остига қўйиш, балки ҳайдовчининг меҳнатига ҳурматсизлик ҳамдир. Ўз навбатида ҳайдовчининг пиёдаларга балчиқ ёки сув сачратиши ҳам маданиятсизлик ҳисобланади.

Танишни учратганда, агар у бир ўзи бўлмаса, “Қаерга кетаяпсан” деб сўрайвериш одобдон эмас.

Эркак киши ҳар доим аёл кишини олдинга ўтказиб юбориши керак. Аммо ўтиш қийин бўлган (кўприк, гавжумлик) эркак киши олдинда туриб аёлнинг қўлидан тутди. Эркак киши ҳар доим ўзи билан кетаётган аёлга озиқ-овқатли ёки кийимли халта, чемодан, портфелни кўтаришга ёрдам беради. Аммо эркак ўз аёл ҳамроҳининг

зонтини ёки сумкасини кўтариши хунук кўринади. Аёл киши ечган плаш ёки жакетини ўзи олиб юради.

Танишиш одоби. Биз ҳар куни учрашамиз ёки танишамиз ва янги инсонлар билан суҳбатга киришамиз. Қабул қилинган тартиб бўйича танишув яхши таасурот қолдириш ҳисобланади. Ҳар доим аёл кишини эркак кишига, ёши кичкинани катта ёшли кишига таништирилади.

Учрашганда аёл эркакка, катта кичикка, мансаб бўйича катта кичкинага қўл узатади. Қўл узатганда бутун кафтни узатиш керак, панжаларини эмас. Сизга узатилган қўлни секингина қисиб қўйинг. Қўлни қаттиқ қисиш ва узоқ ушлаб туриш чиройли эмас, аммо кўпчилик бу билан ўзининг унга бўлган муносабатини билдиришга ҳаракат қилади. Айримлар узатилган қўлни икки қўл билан ушлайди, аммо бундай қилиш ярамайди. Қўлни тирсак сари букилган ҳолда узатилади. Тирсакни жуда баланд кўтариш керак эмас.

Транспортда ўзини тутиш қоидалари. Аёлга жой бера туриб, эътиборли эркак аввал елкасига қўл теккизади, сўнг аёлдан иложи борица нарироқ туриб, у тарафга қарамасликка ҳаракат қилади. Транспортда тик ҳолда кетаётган ҳар қандай аёлга ўтирган эркак жой бериши керак, албатта бу унинг виждонига ҳавола. Лекин яхши хулқ – атвор уни ёш болали аёлга, ҳомиладор аёлга, қари ёки ногиронга жой беришга мажбур қилади. Баъзан йигитларнинг кўзлари ёш қизларга тушганда дарров ўринларидан туриб жой берадилар, ҳолбуки бу пайтда ёши катта аёллар ҳам турган бўладилар. Ёш йигит ёки қиз жамоат транспортида ёши катта аёллар ёки болали аёллар турганда ўтирмасликлари лозимлигини уқтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ўрин бўшатиб берилган киши “рахмат” айтиш билан кифояланади. Агар эркак киши ёнида бошқа эркак билан турган аёлга жой берса, аёл ёнида турган эркак жой берган эркакка рахмат айтиши керак. Айрим ҳолларда эркак киши транспортдан тушаётганда аввал аёл кишини ўтказиб юбориш керак деб ўйлашади. Аммо бу нотўғри, эркак киши аввал тушиб кейин аёл тушишига ёрдам бериши керак. Бегона эркакларга бу қоида таалукли эмас, улар шунчаки, аёлни ўтказиб юборишади. Эркак

киши аёлга юкини ёки боласини кўтаришда ёрдам бериш мумкин, агар ҳайдовчи ёки чиптачи ёрдам қўлини чўзмаса, лекин бу ҳолда у ўзини тўғри тута билиши лозим. Поездда, трамвайда ёки автобусда ҳам баъзи қоидаларни инобатга олиш лозим. Транспортга чиқаётганда навбатга риоя қилиш, аввал ёши катталарни ўтказиб юбориш керак. Агар аёл киши эркак киши ҳамроҳлигида бўлса, у ҳолда улар навбатларига қараб транспортга чиқишади. Аёл киши трамвайга ёки автобусга ҳамроҳини танлаб, биринчи бўлиб чиқишга ҳаракат қилмаслиги керак. Агар барибир шу ҳолат рўй берса, яъни эркак киши аёл ҳамроҳидан орқада қолиб кетса, сабрсизлик қилиб, бошқа аёлларни туртиб олдинга интилиши керак эмас. Бироз вақтга ҳамроҳимиздан ажралсангиз ҳеч нарса қилмайди.

Тарбияли эркак транспортда ён атрофида биронта аёл тик турмаган бўлсагина ўтиради. Кекса аёлга, юки оғир аёлга ёки таниш аёлга жой бериш унинг бурчидир. Ҳозирги ёшларни қойивериш ҳам ноўрин. Чунки ёш йигит ҳам ишдан қайта ётиб ўзини ҳорғин ёки ёмон ҳис қилиши ҳам мумкин. Жой берилган аёл, дарҳол бунинг учун миннатдорчилик билдириши керак. Кекса аёл ҳамкорлигидаги аёл мулойимлик билан қари аёлга ўтиришга жой бўшатиб беришларини сўраши мумкин. Аёл киши эркак кишига жой бермайди, ҳаттоки у ўзидан анча ёши катта бўлса ҳам. Фақат ёш қизгина ўзининг кекса қариндошига жой бериши мумкин.

Транспортда одамлар оёғини босиб олмасликка, ёнингизда турган одамга суянмасликка, уни туртмасликка ҳаракат қилиш керак.

Поездда атрофдагиларга эътиборли ва яхши муомалада бўлиши даркор. Тиқилинч ва жазирама, оғир ва кўпол юк – бу ҳатто оғир – босиқ одамни ҳам қаттиқ асабийлаштириши мумкин.

Самолёт йўловчидан оддий йўл қоидаларига бўйсунитиш талаб қилади. У ерда тирбандлик, ортиқча юк, жой бериш каби муаммолар йўқ. Лекин йўловчилар орасида ваҳима уйғотиш керак эмас.

Пароходда каютадаги қўшнингиз билан танишиб олиш керак. Бутун кийим жавонини эгаллаш ярамайди, у икки кишига мўлжалланган. Ювиниб бўлгандан

сўнг, у ерни йиғиштириб олишни унутмаслик керак, сиздан сўнг ҳамроҳингиз ҳам ундан фойдаланади. Денгиз касаллигини биринчи белгилари сезилганда ҳам каютадан ювиниш хонасига чиқиш керак.

Автомобилда саёҳат қилишда ҳам ўзига яраша ҳуқуқ ва бурчлари мавжуд. Шахсий машинада олдинги ўриндиқ фахрий ўрин ҳисобланади. Тўғри, бу жой у даражада хавфсиз эмас, лекин бу ерда ўтириш қизиқроқ. Бу жойни кимга таклиф қилиш ҳақида 2 хил фикр мавжуд. Кўпинча олдинги ўриндиққа машина эгасининг турмуш ўртоғи ўтиради, меҳмонлар эса орқа ўриндиқдан жой оладилар. Аммо танлашни уларни ўзларига қўйиб берилса мақсадга мувофиқ бўларди, чунки меҳмон учун айнан орқа ўриндиқ қулай бўлиши мумкин. Иккита мезбон ва иккита меҳмон бўлса, ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа аёл меҳмон, орқа ўриндиққа мезбон аёл ва эркак меҳмон ўтиради. Шу билан бирга, эркак мезбон ёнидаги ўриндиққа, эркак меҳмон, орқа ўриндиқларда аёллар ўтиришлари ҳам мумкин. Буни танлаш меҳмонларга қўйиб берилади. Бир пайтлар ҳайдовчининг бурчига, агар у аёл кишини олиб кетаётган бўлса, аёлга эшик ёпиб туриши кирарди. Бунинг учун у машинадан туриб, уни нариги томонга ўтиши ва эшикни очиб, аёл тушишига ёрдамлашар эди. Ҳозирда ҳам бу каби эътибор бутунлай йўқ бўлиб кетмаган, баъзи давлатларда бундай қилиш мажбурий. Нима бўлганда ҳам бу жуда ёқимли. Аммо барибир кўп ҳолларда ҳайдовчи шунчаки эгилади ва аёл ўтирган томондан эшикни очади. Ҳозирда бу аёлга нисбатан алоҳида эътибор ҳисобланади. Ҳар доим, ҳар қандай ҳолда ҳам ҳайдовчи аёлга юкини туширишда ёрдам беришга мажбур.

Танишингиздан сизни иш жойингизга ташлаб ўтишни, ёки сизни ўзи билан якшанба сайрига олиб чиқишини сўраш ножоиз. Бундай таклиф фақат машина эгасидан чиқиши керак. Агар сизни, олдиндан нарҳ келишилмаган ҳолда олиб кетилаётган бўлса, етиб борганингиздан сўнг, йўл узоқлигини чамалаб, шунга яраша пул бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Баъзи ҳайдовчилар йўл ҳақи олишдан бош тортадилар – бу уларнинг иши.

Тўғри ўтириш қоидаси. Қадимдан тўғри ўтиришга катта эътибор берилган ва унинг ўзига яраша қоидалари мавжуд.

Тўғри ўтириш – ҳам санъат ҳисобланади. Бу бошни тик ҳолатда, уни у ёқдан бу ёққа чайқатмасдан ушлаш керак. Шунингдек, қўлни кўкракда чалиштирмай, белга қисмасдан, тирсакларни қўймасдан, бармоқларни ўйнатмасдан, пиёлани қўлда айлантирмасдан, сочни, қўйлакни ҳадеб тўғрилавермасдан ўтириш лозим. Ундан сўнг танани текис ушлаб, ўриндиққа кириб кетгандек ўтирмаслик, ўриндиқ четига сирғалмаслик, оёқни чалиштириб ўтирмаслик лозим. Асосий қийинчилик оёқлардадир. Жамоат транспортларидаги йўловчиларни ўтирганларида оёқлари қай ҳолатда туришига эътибор беринг. Бир оёғини чўзган ҳолда, бошқаси оёқларини ўриндиқ тагига яширган ҳолатда ўтирадилар. Унинг ёнида ўтирган қиз оёғини оёғи устига қўйган ҳолатда, яна кимдир оёқлари билан ўриндиқнинг оёқларини тутиб турган ҳолатда ўтирадилар. Уйда, оила даврасида ўзига қулай бўлган ҳолатда ўтириш мумкин. Аммо ота – она олдида чўзилиб ётиш одобдан эмас. Лекин жамоат жойларида оёқ ва қўлларини ҳар томонга чўзиб ўтириш ярамайди. Оёқни вертикал ҳолатда ушлаб ўтириш ёки уларни бир оз чалиштириб ўтириш тўғри ҳисобланади. Замонавий диван ва креслоларда оёқни биров олдинга узатган ҳолда ўтириш мумкин.

Жамоат жойларида замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш одоби. Бугунги кунда жамиятимиз ривожига ҳамоҳанг равишда замонавий ахборот технологиялари ҳам жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида турли ахборотларни узатиш ва қабул қилиш воситаларининг кун сайин кўпайишига замин яратмоқда. Дастлаб телеграф, сал кейинроқ телефон орқали сўзлашиш имконияти пайдо бўлди. XX аср сўнгига келиб радио телефон, пейджер, уяли алоқа телефони каби воситалар маданий турмушимизнинг таркибий қисмига айлана бошлади.

Бугунги ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қилиш қийин. Унинг имкониятлари ва авзаллиги барча соҳаларга бирдек енгиллик туғдирмоқда. Олинган норасмий

маълумотларга қараганда Ўзбекистон уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш бўйича дунёда тўртинчи ўринда турар экан. Бу яхши кўрсаткич, албатта. Аммо ундан фойдаланиш одоби ҳам борки, уни ҳаммамиз билиб қўйсак ортиқчалик қилмайди.

Аввало барча соҳа ва ижтимоий табақалар аъзолари учун умумий бўлган қоидаларга тўхталамиз. Халқаро доирада қабул қилинган мезонларга кўра, барча телефон сўзлашувлари қисқа, аниқ, лўнда, мулойим ва тушунарли тарзда амалга оширилиши керак. Соҳа мутахассислари бу борада ўтирган ҳолда гаплашишни тавсия қилади. Чунки, бундай ҳолатларда овоз анча ёқимли, хотиржам ва мулойим оҳангда эшитилади.

Корхона ва муассасаларда ишга доир барча расмий ва норасмий қўнғироқлар фақат ишхонага қилинади. Айрим вазиятларда зарурат юзасидан тегишли маъсул ходимнинг уйига телефон қилишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда олдин ундан узр сўралади. Сўнг мақсад баён қилинади. Асосий гапларни келишиб олиш учун ўзаро учрашув вақти ва жойи белгиланади. Мулоқот шу тарзда жуда қисқа муддатда якунланади. Негаки, ходим ўз уйида иш хусусида ўйламай мароқли дам олиши лозим.

Ўзини маданиятли, тартибли ҳисоблаганлар ҳар қандай қўнғироқни саломлашиш ва танишишдан бошлайди. Сўнг хотиржам ва тушунарли талаффузда керакли кишини чақириб беришини илтимос қилади. Халқаро этикет мезонларига кўра иш юзасидан телефон орқали бўладиган суҳбатлар узоғи билан 3-8 дақиқагача давом этиши мумкин. Аммо бу ҳол бизда, кўпинча айниқса, аёлларимизнинг баъзи ташаббуслари туфайли телефон орқали ўзаро мулоқоти ярим соат ва ундан ҳам узоқроқ вақтгача чўзилиб кетиши кузатилади. Бу унчалик тўғри эмас, узоқ муддатли сўзлашув суҳбатдошининг асабига тегиши, зериктириб қўйиши табиий.

Барча турдаги телефон орқали сўзлашувлар чоғида қуйидагиларга амал қилишни тавсия этамиз:

- тунги соат 10.00 дан кейин бировнинг уйига қўнғироқ қилиб ортиқча безовта қилмаслик;
- бекорчи гаплар билан беҳудага ўзгалар вақтини олмаслик;
- кўпол ва ноўрин гапларни гапириб, суҳбатдошини ҳақорат қилмаслик;
- гаплашаётганда суҳбатдошининг фикрини бўлмасдан, гапларини охиригача эшитгандан кейингина жавоб қайтариш;
- кўпчилликка мўлжалланган жамоат жойларида уяли телефон орқали баланд овозда сўзлашмаслик, мусиқани ошкора баландлатмаслик, ҳар қандай шароитларда ҳам атрофдагиларнинг асабига тегмаслик, кўпчиллик ўтирган мажлисларда баланд овозда кулмаслик;
- дарс жараёнида, мажлисларда, жамоат транспортида уяли телефондан фойдаланмаслик;
- дам олиш кунлари ходимларни ортиқча безовта қилмаслик;
- телефон сўзлашуви орқали ўзи ҳақида барча маълумотларни ошкор қилмаслик;
- муҳим иш билан банд одамга шахсий масалалар юзасида қўнғироқ қилиб вақтини олмаслик.

Хуллас, телефоннинг бори яхши. Имкониятга қараб замонавий ва сифатли уяли телефонга эга бўлиш зарар қилмайди, ходимнинг имконияти кенгаяди. Уни қаерда, қайси рақам орқали топиш мумкинлиги аниқ бўлади. Энг муҳими ортиқча ташвишларга, асабийлашишига ўрин қолмайди.

Телефаксдан фойдаланиш қондаси. Замонавий алоқа воситаларининг турлари ва хиллари ниҳоятда кўп. Биз фақат энг оммавийлашганлари ҳақида тўхталамиз. Шундайларидан бири телефакс деб аталади. Факс орқали нафақат сўзлашиш балки турли хатлар, ҳужжатлар ва фотосуратларни тўлиқ кўринишда санокли сонияларда узоқ манзилларига етказиш мумкин. Мазкур алоқа хизмати имкониятларининг кенглиги боис нафақат мамлакатимизда балки, ҳалқаро миқёсда ҳам кенг фойдаланилади.

Телефакс қуйидаги тартибда жўнатилади. Олдин хабар жўнатилаётган абонент рақами терилади. Қўнғироқ етиб боргач, юборилаётган хабар ёки хужжат ҳақида оғзаки маълумот берилади. Сўнг маълумотнинг қоғоздаги нусхаси факс аппаратига ўрнатилади, манзилга юбориш тугмачаси босилади. Хабар олинганлиги тасдиқланиши билан иш ниҳоясига етади.

Интернет тармоқлари. Ҳозирги вақтда интернет тармоғи орқали юбориладиган “Электрон почта” соҳаси ҳам анча ривожланган. Электрон почта ўзининг ишончлилиги, тезкорлиги ва махфийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Алоқанинг бу тури халқаро интернет тармоғига модем орқали уланган компьютер ёрдамида амалга оширилади. Халқаро майдонда электрон коммуникация соҳасида фаолият олиб бораётган ўттиздан ортиқ интернет сайтлари мавжуд. Улар ҳар куни минглаб эълонлар, хабарлар, фото ва видео маҳсулотлари, турли хизмат турлари, энг сўнги янгиликлар, муҳим воқеалар, янги кашфиётлар, халқаро майдондаги сиёсий жараёнлар таҳлили, санъат, спорт, тиббиёт, маориф, тарих, адабиёт ва бошқа барча соҳалардаги маълумотларни тарқатиш билан шуғулланади. Бу маълумотлардан ҳамма бирдек фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистонда халқаро интернет тармоғига уланган таълим соҳасида фаолият олиб боровчи “Узсайнет” ва “Зиёнет” компаниялари сайтлари хизматларидан кенг фойдаланилади.

Таянч тушунчалар

Жамоат жойлари, кўчаларда тўғри юриш одоби, томоша майдонлари, санъат даргоҳлари, тўғри ўтириш, чекиш, жамоат транспортларида ўзини тутиш, эркак ва аёл муносабатлари, замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш меъёрлари.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

Адабиётлар рўйхати

3 – Мавзу: Кийиниш этикети

(Эркаклар имиджида анъанавий услуб)

Маъруза режаси:

- 1. Кийиниш – маънавият кўзгуси сифатида, кийиниш ва мода талаблари ҳамда йўналишлари.**
- 2. Эркаклар ва аёллар либосларида анъанавий услубнинг аҳамияти.**
- 3. Кийиниш одоби юзасидан амалий тавсиялар.**

Ҳар бир инсонга ҳусн, ўзига ҳос ташқи кўриниш ва кайфият бағишловчи воситалардан бири бу - кийинишдир. “Инсоннинг кийими нафақат унинг кўринишини гўзаллаштиради, балки ички маданияти ва маънавияти кўзгуси сифатида акс этади. Уй шароитида, жамият орасида, туй ҳашамда ва шу каби бошқа йиғинларда турлича ва вазиятга мос ҳолда либос танлаш кийиниш одоби ва маданиятини ташкил этади”(21.37). Аммо кийинишнинг ҳам услублари ниҳоятда кўпайиб бормокда. Натижада соҳага оид бир қанча замонавий атамалар кириб келди. “Имидж” ҳам ана шундай атамалар қаторига киради.

«Имидж» (лотинча *imago*) халқаро миқёсда қабул қилинган сўз бўлиб, инглизчадан таржима қилинганда “образ”, “тимсол”, “кўриниш” деган маъноларни англатади. Қомусий луғатларда образ атамаси кўриниш, қиёфа, сиймо, шакл, афт, башарага нисбатан қўлланилади. Шунингдек, шахс, ҳодиса, нарсани оммалаштириш, тарғиб қилиш ва бошқа мақсадларда одамларга ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакллантириладиган қиёфаси ва уни кенг тарғиб қилиш воситаларига нисбатан қўлланилиб келинади. Айрим ҳолларда тасаввурдаги (ташқи) кўриниш, ташқи дунё тимсоллари, усул, йўсин, тарз, таҳлит, равиш, тарика, сурат, ўхшатиш, тақлидан каби сўзлар билан бирга ишлатилади. Замонавий этикетда имидж деганда кишиларнинг мукамал ташқи қиёфасини яратиш жараёни тушунилади. Худди шундай турли ташқи қиёфаларни яратиш соҳаси мутахассислари эса замонавий атама билан “имиджмейкер” деб аталади.

Гап соҳага оид атамалар ҳақида борар экан икки оғиз “мода” тушунчачи ҳақида тўхталиш керак. Мазкур атама ўзбек тилининг изоҳли луғатида шундай изоҳланади: “Мода (французча) – маълум бир даврда, маълум (ижтимоий) муҳитда кишиларнинг таъбига, дидига мос бўлган ва кенг тарқалган расм-одат, кийим-кечак ва шу кабилар” йиғиндисини англатади.

Мода бу – инсониятнинг ташқи қиёфасини янада кўркемроқ ва гўзалроқ кўрсатишга бўлган хоҳиш истаклар натижасида яратиладиган кийимлардир. Мода бу - ҳар тонг, ҳар ҳафта, ҳар фасл бир “оқимда” янада орқада қолиб кетмасликни англатади. Мода бўлмаган бичимли кийимни кийишга ҳаракат қилинган – узоққа бормайсиз, кўчага чиқишга таваккал қилсангиз, бутун кун давомида ўзингизни ноқулай ҳис қиласиз ва ҳамма нарсани биладиган мода параст аёлларнинг бўлмаган юзини кўриб қоқиласиз! Нима учун, нима, қаерда, қандай, нечта, қанчадан...??? Мода тегирмони чарчоқсиздир, айланаверади. Унинг тошини тенденциялар ишқалаб ташлайди, тегирмончи - дизайнерлар эса янги ғояларни сепеди, биз эса сизлар билан... ҳа нима ҳам айтиш мумкин, ўзингиз ҳаммасини биласиз... юз йиллар аввал шундай бўлган ва истак қанча яшаса, шунча вақт шундай бўлиб қолади.

Замонавий эркеклар ҳақидаги илк тасаввур энг аввало уларнинг яратган имиджидан ҳосил бўлади. Ёқимли ташқи қиёфаси, жамоа орасида ўзини тутиши, ўзгалар билан самимий мулоқоти, равон талаффуздаги жарангдор нутқи ва ҳаракатлари билан ўзининг ҳар томонлама тўла имиджини ярата олса, унга кейинги босқич эшикларини очиш осонлашади. Бироқ реал ҳаётда кўпинча истеъдодли, билимли, маҳоратли, қобилиятли кишилар етарли даражада ташқи қиёфа-кўриниш ярата олмаганлиги сабабли ўз даражасидан анча пастроқ мансабда қолиб кетади. Натижада уларда ўзига нисбатан ишончсизлик, ўз имкониятига етарли баҳо беролмаслик кайфияти пайдо бўлади, бундайлар ҳар доим омадсизлигидан нолиб юради.

“Танлаш вақтида танланган кийимнинг кишига мос эканлиги қанчалик аҳамиятли бўлса, кийимнинг кийиб борилаётган давраси ҳам шунчалик муҳим ҳисобланади”.

Имидж яратишда ҳар ким ўз имкониятидан келиб чиққани яхши. Негаки, ҳеч қачон иккита бир хилдаги одам бўлиши мумкин эмас. Кўр-кўрона бошқаларга тақлид қилиш, кимгадир эргашиш орқали яхши натижага эришиш мушкулроқ. Бунда биринчи галда мақсад аниқланиб, нимага эришмоқчилиги ҳақида тасаввурга эга бўлинади. Аммо ҳар бир соҳа ва ижтимоий табақа вакилларининг ўзига ҳос кийиниш услублари ва одатлари борлигини эсдан чиқармаслик керак. Бугунги кунда замонавий мода соҳасининг романтик, спорт, классик, авангард, прет-а-порте каби кийиниш услублари мавжуд. Бир-бирини инкор қилувчи ранг ва услубларни аралаштириш ҳам тавсия этилмайди. Палапартиш кийиниш билан ижобий натижага эришиш қийин. Бундай кийинган кишилар ҳаммага ҳар доим ҳам ёқавермайди. Қолаверса, кийинишда инсоннинг маданиятлилик даражаси, ташқи кўриниши, диди, дунёқараши ва гўзалликни ҳис эта олиш даражаси намоён бўлади. Шундай экан, жамиятда ўз ўрнига, мавқеига эга бўлишни энг аввало ташқи образ-кийинишдан бошлашни тавсия этамиз.

Инсон маданиятини авваламбор унинг кийими белгилаб беради. Дид билан танланган кийим одамнинг ташқи кўринишини бутунлай ўзгартириб юборади, одам ўзига бўлган ишончини оширади, ҳамда атрофдагиларни ўзига жалб қилади. Лекин чиройли дид билан кийинишни ўзи етарли эмас, бу билан бирга албатта кийган киймингиз тоза ва озода бўлиши керак. Тасаввур қилинг, чиройли кийинган эркакни чўнтагидан кир дастрўмолча чиқиб турса. Сочлар ҳам албатта доим тоза, ялтираб туриши лозим.

Костюмга таъриф. Эркакларнинг анъанавий услубдаги кийиниш этикетида кўпчиллик учун умумий бўлган замонавий **костюм-шим** биринчи ўринда туради. Костюмнинг шимсиз ҳолати пиджак ҳам дейилади. Аммо костюмнинг ўзи ҳам аслида кенг маънода қўлланилади. “Костюм”- француз тилидан олинган бўлиб,

Ўтмишда кишиларнинг ташқи образини англаган. Баъзи ҳолларда итальянча “пиджак” сўзи ҳам костюмга маънодош сифатида ишлатилиб келинади. Бу тушунча кишининг ташқи қиёфасини акс эттирувчи барча воситалар-либос, бош кийими, оёқ кийим, аксессуарлар, пардоз-андоз, соч турмаги, тақинчоклар ва шу каби бошқа барча деталларигача яратилган кийиниш услуби йиғиндисини англатади. Ҳозирда костюм-шим атамаси эркаларнинг устки кийимини англатади. Замонавий этикет меъёрларига кўпроқ классик услубда кийиниш мос келади. Чунки мазкур услуб синовдан ўтганлиги, унча башанг бўлмаганлиги ва ҳаммага ҳам тавсия қилиш мумкинлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Костюм-шимларнинг турлари, ранглари жуда ҳам кўп. Аммо уларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси, кийиладиган ўрни бор. Агар тугмалари бир ёқлама қадалган костюмлар кишига одатий тус берса, икки қатор тугмалилари кишини биров башангроқ, савлатлироқ кўрсатади. Қандай кўринишдагиси танланилишидан қатъий назар тик турганда барча тугмаларни тўлиқ қадалгани маъқул. Баъзан бир ёқлама тугмали костюмлар учун фақат тепа қисмидаги бир неча тугмаларнигина қадаш тавсия этилади. Икки қаторлисида эса барча тугмалари қадалганда кишига янада чирой бағишлайди. Айниқса, маъруза минбарида, расмий мажлисларда ва президиумда ўтирганда, меҳмонга бораётганда, ишхонада, кўпчилик таклиф қилинган банкетда, ресторанда, кино ва театрда киришда, халқаро ҳамкорлар билан бўладиган муҳим учрашувларда ҳам костюмнинг тугмалари қадалганлиги кийинишдаги нозик дид, синчковлик ва маданиятлилиқдан далолат беради. Расмий байрамлар, маросимлар, тўйлар, муҳим тантаналарда ҳамма учун умумий бўлган қора рангдаги костюм шимлар кийилади. Одатдаги иш кунларида эса тўқ кўк рангли, ялтироқ тугмали, унчалик кўзга ташланмайдиганлари кийилади.

Йўл-йўл костюм билан шахмат ёки катакчали кўйлак кийилмайди. Ёки аксинча, катакчали кўйлак билан йўл-йўл костюм бир-бирига мос келмайди. Ола-чипор костюмга безаксиз, бир хил рангдаги кўйлак тўғри келади. Энг яхши вариант

костюм ва кўйлакнинг ранги бир-бирига қарама-қарши бўлганидир. Бунда костюм қанчалик қора бўлса, кўйлакнинг шунчалик даражадаги оқ ранглиси танланади.

Вазиятга қараб костюмнинг чап чўнтагига рўмолча солса бўлади. Баъзан рўмолчадан костюмнинг ташқи кўринишини янада очиш, атрофдагилар учун гўзалроқ манзара ҳосил қилиш учун фойдаланадилар. Яна шуниси борки, рўмолча ҳар доим галстук рангига мос келиши ўртадаги мутаносибликни таъминлайди. Шунда улар бир-бирларини тўлдириб, уйғун композиция ҳосил бўлади. Бурун артиладиган иккинчи рўмолча эса шимнинг ўнг чўнтагида бўлгани маъқул. Ҳар иккаласининг ҳам ювилганлиги, тозаллиги ва дазмолланганлигига алоҳида эътибор берилиши эсдан чиқмаса бўлди. Булардан ташқари, костюмнинг чўнтагига ручка, тароқ, ён дафтарча солиш мумкин. Аммо юрганда сезилиб турадиган ва вазни бироз каттароқ бўлган кўзойнак, уяли телефон, ҳамён халта, носқовоқ, тамаки қутиларини солишни тавсия этмаймиз. Бундай ашёларни сумка ёки портфелда олиб юриш мақсадга мувофиқдир. Гавдани тик тутиб, хотиржам ва ҳамма томонга яширинча синчков назар ташлаш, ним табассум билан мулоқот қилиш ҳам ярим муваффақиятдир.

Энди икки оғиз кўйлак ҳақида. Ўзбек тилининг изоҳли лўғатида кўйлак тананинг юқори қисмига мослаб тикилган ялангқават юпка кийим, дея таърифланади. Костюмнинг ичидан кийиладиган кўйлакнинг ёқаси костюмникидан бир сантиметр катта бўлиши мумкин. Бунда қаерга бориш, кимлар ва қайси табақа вакиллари билан учрашиш ҳам эътиборга олинади. Кўйлакнинг чўнтаги ҳар доим бўш тургани яхши. Анъанавий услубдаги жиддий қиёфа берувчи қора рангли костюмлар билан ени узун, оқ рангдаги кўйлаklar мос келади. Аммо бу услубда кийинувчилар энги калта спорт кўйлакларини танламагани маъқул.

Бўйинбоғ, яъни галстук. Кейинги жараён кўйлакка мос галстук танлашдир. Галстук, яъни бўйинбоғ деганда кўйлак ёқаси остидан ўтказиб, олдини тугун ёки бант қилиб тақиладиган мато буюм тушунилади. Ўзбек тилида шу мақсадда бўйинбоғ атамаси қўлланилади. Танланган бўйинбоғнинг бошқа либосларга мос

келиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Баъзан йил фаслларига қараб қишда тўқ, ёзда эса оч рангли бўйинбоғлар танланади.

Ҳозирги вақтда бўйинбоғларнинг тур ва хиллари кўпайиб бормоқда. Капалаксимон, тақиладиган ва боғланадиган хиллари кенг тарқалган. Уларнинг сифати ҳам турлича. Кўпчилик услубчи (стилист)-дизайнерлар табиий ипакдан тикилган, астарига сифатли шерст мато ишлатилганларини тавсия қилишади. Чунки, бундай бўйинбоғлар боғланганда чиройли туради, энг муҳими ғижим бўлмайди.

Бўйинбоғ танлашда албатта гавданинг тузилишига эътибор берилади. Энли, кенг шаклдагилари тўладан келган, бўйни йўғон кишиларга ярашади. Озғин ва бўйи узун кишилар эса бироз энсизроқ, ингичкароқ бўйинбоғларни танлаганлари маъқулроқ.

Умуман олганда, галстук, яъни бўйинбоғич эркак кишининг дидини аниқлаб беради. Одатда костюмнинг ранги, нақши ва тикилишига қараб бўйинбоғ танланади. Классик услубдаги костюмларга табиий ва сунъий шойидан тикилган бўйинбоғичлар мос тушади. “Бабочка”ларни фақатгина расмий учрашувларда тақилгани маъқул. Бантни эса байрам костюмларига мослаб тақиш керак. Бантнинг ёрқин, оч ёки тўқ бўлиши эса костюмга боғлиқ. Майда гулли матодан тикилган костюмларга турли хил бўйинбоғлар мос тушади. Ранги ёрқин костюмга бир хил рангдаги бўйинбоғлар рангига мослаб боғлаш керак. Бунда 2 қоидага амал қилиш керак: ёки бўйинбоғни костюмнинг ранги билан бир хилда танланади, яъни бўйинбоғ костюмга нисбатан очроқ ёки тўқроқ бўлиши мумкин, шундагина улар бир – бирини тўлдириб туради, ёки костюм билан бўйинбоғ контраст рангларда ҳам бўлиши мумкин. Ёрқин рангдаги костюмни танлайдиган бўлсангиз, у ҳолда ҳеч бўлмаганда уларнинг мато гули масалан, йўл – йўл бир хил бўлмаслиги керак. Қачонки бўйинбоғни тўғри боғласангизгина у бўйинбоғ ҳисобланади. Бўйинбоғ эркак кишининг саловатини ошириб туради. Албатта ёзда бу нарсаларни унутиб, оддий спорт услубидаги кўйлақлар кийилади, аммо базм ва кечаларга бу бўйинбоғ

ва костюм – шимларсиз бориб бўлмайди. Одатда бўйинбоғичлар спорт услубидаги кўйлақларга ва жун матосидан тикилган кўйлақларга тақилмайди.

Эркакларнинг ташқи образини яратишда камар ва оёқ кийимлари ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Камар бу - кийим устидан белга боғланадиган энли тасма. Айрим ҳолларда у қайиш ҳам дейилади.

Пойафзал. Ўтмишда эркакларнинг оёқ кийимига қараб жамиятда тутган ўрнини билиш мумкин бўлган. Шарқда сарой аҳли, задогонлар, ҳаммоллар, савдогарлар ва деҳқонларнинг ўз оёқ кийимлари бўлганлиги тарихий манбалардан аён. Бугунги кунда уларнинг турлари кўпайиб, шакллари такомиллашиб бормоқда. Анъанавий услубда кийинадиганлар учун ҳар томонлама қулай ва ҳамма кийимга мос келувчи қора рангли пойафзаллар тавсия этилади. Аммо йил фасллариининг ўзгаришига қараб бошқа ранглари ҳам танлаш мумкин. Унинг ичидан кийиладиган пайпоқ ранги костюмниқидан тўқроқ бўлгани маъқул. Одатда тўқ кўк, тўқ малла ва қора рангли пайпоқлар барча рангдаги костюм шимлар учун мос келади. Пайпоқларнинг энг яхшиси стулга ўтирганда оёқнинг кўриниб қолмаслигидир. Шимга боғланадиган қайиш ва оёқ кийимининг ранги ҳар доим бир-бирига уйғун бўлиши аҳамиятлидир.

Аксессуарлар. Замонавий эркакларнинг ташқи образини тўлдириб турувчи воситалардан яна бири бу аксессуарлардир. Ҳар бир услубга мос аксессуарлар танланади. Анъанавий услубда кийинувчи эркаклар браслет, никоҳ узуги, бўйинбоғига тўғноғич тақса бўлади. Аммо занжир ёки медальонлар унчалик муҳим эмас. Бугунги кунда барча қулайликларга эга бўлган уяли телефонларнинг жадаллик билан кўпаяётганлиги боис қимматбаҳо соатларга эҳтиёж камайиб бормоқда.

Сумкалар. Шулар қаторида портфел ҳам бор. Портфел французчадан олинган бўлиб, китоб, дафтар, ҳужжат ва шу кабиларни солиб олиб юриладиган дастали махсус сумкани англатади. Портфел замонавий эркакларни янада кўркем ва салобатли қилиб кўрсатади. Анъанавий услуб учун биров қимматроқ бўлган, соф теридан тайёрланган қора, тўқ яшил, тўқ қизил, сарғиш, тўқ жигарранг, тўқ кўк ранглари мувофиқ келади.

Бугунги кунда кўриш қобилиятини сақлаб қолиш ва кўзни ташқи муҳитдан ҳимоя қилиш учун махсус кўзойнаклар тақиш урфга айланган. Эркакларнинг юз қиёфаси ҳар хил бўлганлиги боис кўзойнаклар ҳам турли катталиқ ва шаклларда ишлаб чиқарилади. Энг муҳими уларни тўғри танлай олишда. Танланаётган кўзойнак юз тузилиши ва сочининг рангига мос келгани маъқул. Қора рангли соч учун шу рангдаги кўзойнак тақилади. Асосийси кўзойнак тақилганда кўз қорачиғи ойнагининг ўртасига тўғри келишидадир.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида тўқ қора рангли кўзойнаклар тавсия қилинади (Баъзида бундай кўзойнаклар ёпик, сирли, кўнглидагиларни ошкор қилмайдиган кишиларга қиёс қилинади). Муҳим учрашувлар чоғида албатта кўзойнак ечиб қўйилади. Акс ҳолда суҳбатдошга нисбаттан ҳурматсизликка ишора сифатида баҳоланиши мумкин. Одатдаги иш кунларида бироз очроқ кўзойнаклар тақиш тавсия қилинади.

Рўмолча. Рўмолчани одатда таҳланган ҳолда шим чўнтагида ёки сумкага солиб юриш тўғрироқ бўлади. Рўмолчани ишлатиб бўлгач, уни қоқиб ўтирмай йиғиштириб қўйиш лозим. Эркаклар костюмини безаб турувчи ёки аёлларнинг безатилган рўмолчаси – бу бутунлай бошқа нарсадир. Эркакларнинг оқ рўмолчаси ингичка чизиқли, кенглиги 1-2 см бўлган ёки кичик учбурчак шаклида бўлиб, костюм ёки сюртукни юқори чўнтагидан озгина кўриниб туриши керак.

Кийиниш одоби хусусида тавсияларимизни мутлоқ тўғри, шу билан чегараланинг, деган фикрдан йироқмиз. Одоб-ахлоқнинг оддий қоидалари сифатида келтирилган этикет меъёрларимиз сизга қанчалик манзур бўлиши сизнинг ихтиёрингиз. Аммо уларга амал қилиш сиз учун маданият ва одоб дарвозасидан ҳатлаш бўлади. Кийиниш маданияти ва одоби хусусида Ф.ҚувONOва қуйидаги қоидаларга амал қилишингизни тавсия этади:

- ҳар қандай инсон кийинишда учта асосий жиҳатга эътибор бериши лозим. Булар – оддийлик, озодалиқ, мутаносибликдир;

- кийимингизнинг оддийлиги сизни камсукум ва камтар тусга киритишидан кўркманг. Унутманг, гўзаллик – оддийликда;

- озодалик – орасталик кийимнинг жозибасини оширади. Озада кийим, либос эгасининг тартибли, фаросатли ҳамда маданиятли эканлигидан далолат беради;

- мутаносиблик – кийимларингизнинг ўзаро мослиги, рангининг уйғунлиги либос эгасининг юқори дид соҳиби эканлигини билдириди ва бу атрофдагилар назари чегарасидаги жиҳат ҳисобланади.

Бундан ташқари кийинишнинг яна қатор нозик жиҳатлари борки, уларга ҳам алоҳида изоҳ берамиз:

-либос дазмолланган ҳолда эгнингизда оҳорли кўринади. Дазмоллашдан вақтингизни қизғанманг;

- мезбонларнинг очиқ ва калта, шу билан биргаликда тор кийими мезбонлик вазифасини бажаришда ноқулайлик олиб келади. Яхшиси ниҳоятда узун ва тор бўлмаган, меҳмонлар эътиборини ўзига тортмайдиган бўлсин;

- кийим ранги либос эгаси ранги билан мос тушсин. Бўғиқ кийим инсоннинг кайфиятига ҳам таъсир қилади. Қора, тўқ жигарранг, тўқ кўк кийимлар мезбонга тавсия этилмайди;

-ниҳоятда ҳашаматли, зарли либослар, тақинчоқларнинг меъёрдан кўп бўлиши мезбоннинг кибрланишидан дарак беради;

-қават-қават кийимлар мезбон учун тавсия этилмайди;

-кундуз кунидаги йиғинларга оч рангли, кечки тадбирларга эса тўқ рангли либослар тавсия этилади;

-кийим ва тақинчоқлар ранги ва мослигига эътибор беринг. Бу кийиниш маданиятини мукаммаллаштиради;

- меҳмонга бораётганда сипо либос танлаш мезбонга нисбатан ҳурматни ифодалайди.

Хуллас, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай маданият ва санъат ходими доимий равишда ташқи образининг барча қирраларига алоҳида эътибор бериб боришларини

маслаҳат берамиз. Негаки, ташқи кўриниш инсоннинг дидини, дунёқарашини қай даражада тартибли эканлигини ифодалайди. Кўркам ва чиройли қиёфа унинг тўғрисида яхши таассурот келтириб чиқаради. Бунга амал қилинганда унинг ўз мақсадига етиши осонлашади. Иши ҳам ўнгидан келишига шубҳа йўқ. Зеро аксарият ҳолларда инсонга бўлган муносабат ҳам унинг кийинишига қараб белгиланади.

Таянч тушунчалар

Такрорлаш учун саволлар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

Адабиётлар рўйхати

4 – Мавзу: Замонавий аёллар либослари

Маъруза режаси:

- 1. Аёл – гўзаллик рамзи сифатида. Аёллар ташқи кўринишидаги тўртта муҳим жиҳат.**
- 2. Замонавий аёлларнинг диди ва модага бўлган муносабати.**
- 3. Замонавий аёллар образида анъанавий услубнинг аҳамияти.**

Аёллар азалдан гўзаллик рамзи сифатида эъзозланиб келинган ва ҳозирги кунда ҳам шундай. Улар энг аввало ўз латофати-ю, бетакрор назокати билан атрофдагиларда яхши таассурот қолдиришлари лозим.

-Д.Мингбоева аёлларнинг аслига қараганда яна ҳам кўркем ва ёқимли кўринишлари учун ташқи образидаги қуйидаги тўртта муҳим жиҳатга алоҳида аҳамият беришлари лозимлигини таъкидлаб ўтадилар:

- қоматига мос келадиган замонавий ва миллий асосда тикилган кийимлар;
- қиёфага мос тўғри танланган ва беҳато бажарилган соч турмаги;
- ташқи образини тўлдириб турувчи ўзига ҳос пардоз-андоз;
- юксак дид билан танланган чиройли аксессуарлар.

Юқоридаги меъёр ва мезонлар ўзини ҳурмат қиладиган барча аёллар учун бирдек амал қилади. Бунда хотин-қизларнинг ўзларига ярашган рангни танлай олиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айрим соҳаларнинг кийиладиган махсус кийимлари бор. Аммо анъанавий услубдаги унчалик башанг бўлмаган либослар ҳаммага ҳам мос келаверади. Шу боис барча соҳалар қатори маданият ва санъат соҳасидагилар учун ҳам умумий бўлган анъанавий услуб ҳақида ўз мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Мода ва дид. Тоза ва тўғри танланган кийим, унинг эгасининг диди яхши эканлигидан далолатдир. Гардеробингиз кўйлақларга тўлиқ бўлмаган ҳолда ҳам дид билан кийинишингиз мумкин. Янги чиқаётган модани орқасидан қувиш яхши эмас, ундан кўра шундай кўйлақ сотиб олиш керакки, уни ҳар хил кийимлар билан

кийиш мумкин бўлсин. Замонавий мода янги матолар билан ҳам аниқланади ва баҳоланади.

Костюм. Ҳар қандай аёлнинг ўз образини яратишида жиддий кўринишдаги костюмни тўғри танлай олиши зарур. Классик услубдаги костюм ва ўта башанг бўлмаган либослар ҳамма хонимларга мос келаверади. Аёллар костюмини танлашда энг муҳим жиҳат-рангига алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир аёл йилнинг турли фаслларига хос фақат ўзигагина ярашган рангларни танлай олиши катта аҳамиятга эга. Анъанавий услубда кийинадиганлар учун тўқ кўк, тўқ қизил, тўқ жигарранг, оч сариқ ёки қора рангдаги костюмлар тавсия қилинади. Энг муҳими танланган костюм ташқи қиёфага кўркамлиқ, ёрқинлиқ бағишлашидир. Кийиб кўчада юрганда ноқулайлиқ туғдирадиганларидан воз кечса ҳам бўлаверади.

Блузкалар. Костюмнинг ичидан **блузка** кийилади. Блузка атамаси француз тилидан олинган бўлиб, хотин – қизлар учун енгил материаллардан тикилган юбка ёки шим билан кийиладиган кўйлакчаси назарда тутилади. Айни пайтда ушбу тушунча атлас, ҳарир, крепдешен ва пахтали чит материалларидан тикилган, енгил узун, костюм ичидан кийиладиган либосга нисбатан қўлланилмоқда. Айрим манбаларда блузка эса французча кўйлак бичимидаги белбоғсиз кенг устки иш кийимини англатиши ҳақида ёзилади. Улар одатда ёқали, пирпираксимон, енгил қисми баланд гардишдан иборат бўлади. Блузкаларнинг романтик ва классик услубдагилари кенг оммалашган бўлиб, куз ва баҳор мавсумларида кийилади. Ранглари турлича бўлиши мумкин. Масалан, қора костюмга оқ ёки қизил ранглилари тавсия қилинади. Кечки базмларга эса романтик услубдагилари ярашади. Бунда иқтисодий имкониятга қараб биров кимматроқ ва айни пайтда ташқи қиёфага мос келадиганларини танлаган маъқул.

Юбка. Кейинги босқичда костюм ва блузкага мос **юбка** танланади. Юбка хонимлар қоматида эркин туриши керак. Унинг узунлиги танланаётганда ишхонанинг умумий дидига боғлиқ. Биринчи галда ходимлар тоифаси, ёш хусусиятлари эътиборга олинади. Яна бир муҳим жиҳати ўтириб турганда

ноқулайлик туғдирмаслигидадир. Мутухассислар юбканинг тиззадан калта бўлмаслиги ва товонгача тушиб турмаслигини маслаҳат берадилар. Шундан сўнг костюмга мос келадиган **камар** танланади. Камарнинг қоматга ярашадиган ўртача бир ранги туфлининг ранги билан мос келишига алоҳида аҳамият берилади. Агар туфли тўқ ёки малла бўлса, сарғишроқ рангдаги юбка ва камар тақилгани маъқул. Баъзан камарнинг ранги блузка ёки юбка рангининг айнан ўзи бўлиши ҳам мумкин.

Рўмоллар. Аёлларнинг ўзига мос ташқи образини яратишда ҳар бир либоснинг ўз ўрни бор. Айрим ҳолларда нимча билан куйлакка мос **қийиқ рўмол** боғлаш тавсия этилади. Тўғри танланган қийиқ рўмол оддий кўйлак ва нимчани тўлдириб, кўркамлигини оширади. Румол ҳар қандай образнинг ташқи кўринишини ўзгартириб юборишга қодир. Ҳеч бир нарсга аёлларнинг рўмоличалик пальто ёки костюмни янада тароватли, чиройли кўрсата олмаслиги ўз тасдиғини топган.

Матолар. Аёллар либос дизайнида энг муҳим жиҳатлардан бири - бу газмол танлашдир. Бу борада ҳам мутахассислар бир қанча тавсияларни беришади. Ҳозирги кунда уларнинг ранг ва хиллари жуда ҳам кўпайиб бормоқда. Газмол олдин икки қўллаб яхшилаб сиқиб кўрилади. Қўйиб юборилганда у ғижим бўлиб қолса, бундай либосни сотиб олиш мақсадга мувофиқ эмас. Акс ҳолда ундан бемалол фойдаланса бўлади. Чунки, унинг сифатига кафолат бор. Аммо бугунги кунда ғижимланадиган матолар ҳам урфга айланаётганлигини унутмаслик керак.

Туфли танланаётганда жуда кўп жиҳатларга эътибор берилади. Д. Мингбоева бу масалада урф бўлганидан кўра кўпроқ қийишга қулай бўлганини танлашни маслаҳат беради. У кишда совуқ ва қорга чидамли, кузда эса ёмғирда ивиб кетмаслиги жуда ҳам муҳим. Ҳамиша ишхонанинг ичида қийиб юрадиган алоҳида оёқ кийим бўлиши керак. Шунингдек, мода соҳасидагиларнинг бир неча маслаҳатига қулоқ тутилса, ёмон бўлмайди.

Жумладан:

- оёқ кийимдаги ранг-баранг деталлар ишхонага эмас кўпроқ ёшларнинг тунги ракс оқшомларига ярашади, туфлидаги мавжуд ортиқча безаклардан воз кечилгани маъқул;
- ёпиқ товонли ва жуда ёпиқ типдаги пойафзаллар шим билан кийилади. Юбка ва куйлакка эса унчалик мос тушмайди;
- пойафзал товонининг баландлиги тахминан 5-6 сантиметрдан оширилмайди. Кўча-куйда кийиш учун сунъий эмас, балки, соф чармдан тайёрланган туфлини танлаш тавсия этилади.

Қишда ранги тўқ кўк, қора, жигарранг ёки соф тери рангида бўлган пойафзаллар танланади. Ёзда эса кийиладиган кийимлар рангининг мослигига эътибор берилади. Одатда у оч кулранг ва тўқ қизил рангда бўлади.

Кўзойнак. Кўча-куйда **кўзойнак тақиш** ҳам мумкин. Кўзойнак олишда биринчи навбатда юз тузилишига қанчалик мос тушиши ҳисобга олинади. Тақилаётган кўзойнак юз қиёфасининг айланасини мазмун жиҳатдан тўлдиришига эътибор бериш лозим. Аммо у айнан юз қиёфасини такрорлаши шарт эмас. Икки хил кўзойнак танланади. Улардан бири - очроғи ишхонада, иккинчиси - тўқроғи ишдан ташқари учрашувларда тақилади. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Чунки, ранги очроқ бўлган кўзойнаклар иш муносабатлари юзасидан бўладиган суҳбатларда кўзни яширмайди. Тўқроғи эса кўчада куёш нуридан кўзни яхши ҳимоя қилиш хусусиятига эга.

Заргарлик буюмлари. Аёлларнинг ташқи қиёфасини яратишда заргарлик буюмларини ҳам алоҳида дид билан танлаш лозим бўлади. Д.Мингбоева нуқтаи назаридан айтганда, тақинчоқлар ҳаддан ташқари қимматбаҳо бўлиши шарт эмас. Атрофдагиларнинг жиддий қабул қилишларини хоҳлаган ҳар қандай аёл йирик осилиб турадиган сирға ва йирик билакузуклар тақиб юрмайди. Муҳими уларнинг кўпроқ чирой бағишлашига эътибор берилса бас. Ҳар қандай шароитда ҳам тақинчоқлар ҳамиша костюмнинг ранги ва услубига мос тушсин. Агар костюмнинг тугмалари садаф тугма бўлса, марварид кўзли зирак ярашади. Агар қора костюмда

тилло рангли тугма бўлса, қора тошдан кўз қилинган тилло зирак бир-бирини тўлдиради. Шунингдек, зирак юз қиёфангизга ҳам мос тушиши зарур. Нозик бўйинли аёллар юмалоқ кўринишдаги зирак таққани маъқул. Йўғон бўйинли аёллар учун бироз узунроғи танланади. Зиракнинг шакли ва ҳажми худди базмларга бораётгандек бўлмаслиги зарур. Энг маъқули оддий ва замонавий кўринишдагисидир.

Бўйни ингичка ва ўртача аёллар энли маржонни ёқасиз нимча билан тақса чиройли кўринади. Бўйни калта бўлса, узун тилло занжир ёки марварид тақишлари мумкин. Семиз бўйинлилар узун занжир тақиши керак. Озғин бўйинга калта, жуда энли бўлмаган занжир ярашади.

Соатнинг эса костюм рангига мос бўлган анъанавий услубдагиси танланади. Қора ёки тилло рангли соатлар барча кийимларга мослиги билан алоҳида ажралиб туради.

Баъзи аёллар қулоғига қўш зирак тақиб олишни хуш кўрадилар. Бу уларнинг ўзини кўз-кўз қилишини истаётганлигини кўрсатади. Айни пайтда бу ҳаддан ташқари ўзига оро бериш, манманликдан далолатдир. Шундай йўл тутиш керакки, ҳар бир кийилган устки либос ва тақинчоқлар ўз шакли, кўриниши, мазмуни ва моҳияти жиҳатидан бир-бирини тўлдирсин ҳамда буларнинг бари яратилаётган ташқи қиёфага табиийлик, жозиба бағишласин. Кўпчилликка мўлжалланган ишхоналарда бироз атир сепиб юриш мумкин. Энг муҳими, ундан озодалик ва тозаликнинг ажиб бир ёқимли ҳиди уфуриб турсин. Айрим ҳолларда хонимлар базмларга узун қўлқоп кийиб, браслет тақиб борадилар. Бу тўғри қарор. Аммо ҳеч қачон қўлқопнинг устидан узук тақиб бўлмайди. Бу яратилаётган ташқи образнинг бадиий бутунлигига ҳар томонлама путур етказди.

Соч турмаги. Ташқи қиёфанинг ҳар томонлама мукамал бўлиши кўп жиҳатдан юксак дид билан **соч турмаги** шаклини тўғри танлай олишга боғлиқ. Шу билан бирга ҳар бир аёлга безак бериб турадиган ва яна ҳам латофатли қилиб кўрсатадиган табиий гўзаллиги – бу унинг сочларидир. Сочлар ҳар доим ёқимли ва

мафтункор бўлиши учун уларни доимий равишда парвариш қилиш керак. Аёл киши сўнгги модадаги либосни кийган бўлиши, қимматбаҳо тақинчоқлар билан безалган қўли, хусни, парвариш қилинган бўлиши мумкин. Аммо сочлари парвариш қилинмаган бўлса, аёл киши ҳеч қачон мафтункор кўрина олмайди. Ҳозирги кунда соғлом сочлар учун замонавий косметика кўп имкониятларни яратиб бермоқда. Калта сочлар худди узун сочлар сингари парваришни талаб қилади. Баъзи аёлларга сочларини ювиши ва қуритишнинг ўзи кифоя, шунинг ўзиёқ уларнинг сочларига кўркамлиқ бағишлайди. Аммо шундай сочлар ҳам борки, уларга чиройли кўриниш бериш учун бир неча воситалар керак бўлади.

Соч бўяшда унинг юз қиёфаси ва рангига қай даражада табиий жозиба бағишлаши эътиборга олинади. Лозим бўлса, мутахассислардан маслаҳат сўралади. Агар сочнинг асли ранги тўқ бўлса, у ҳолда сариқ ранг танланади. Агар сочнинг ранги асли оқ-сариқ бўлса, малла рангга бўяш тавсия қилинади. Сочни бўяш учун танланган ранг энг аввало юз қиёфасига табиийлик, жозибаторлик ва соғломлик бағишлаб туриши шарт. Бунда асосий қоида шундан иборатки, бўёқ юзнинг рангини бўғиб қўймаслиги зарур. Амалга оширилган бўёқлар қошнинг рангига мос тушиши шарт эмас. Соч бўялганда кўзларнинг табиий гўзаллигига путур етмаслигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шунини ҳам эсда тутиш керакки, сочни бўяшда рангларни тўғри танлаш сизни ёшингизга нисбатан кичик ёки аскинча, катта кўринишни ҳам бериши мумкин.

Агар сочлар елкагача тушган ва ундан узунроқ бўлса, уларни тепага ёки орқага тарашни маслаҳат берамиз. Бу кўпроқ замонавий услубга мувофиқ келади. Сочнинг ранги ҳар доим табиий кўриниш олгани яхши. Сочларни кесишда иложи борича сезилмайдиган қилиб бажарилгани маъқулроқ.

Қўлқоп кийиш мумкин, фақат унинг ранги кўйлакка мос бўлсин. Кўйлак энг қанча калта бўлса, қўлқоп шунча узун бўлади. Тилла суви юритилган зирагу чарм бўйинбоғлар аёллар мавқеини биров пасайтиради. Шунинг учун тақинчоқларнинг

имкон қадар асл маъдан ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланганини танлаш энг тўғри қарордир.

Пайпоқ кийиш масаласини ҳам оқилона ҳал этса бўлади. Соҳа мутахассислари ҳатто жазирама ёз чилласида ҳам капрон **пайпоқ** кийишни тавсия этадилар. Йилнинг ҳар қандай фасли, ҳар қандай об ҳавосида ҳам ўзига қараб юриш – аёлларнинг биринчи галдаги бурчидир. Анъанавий услубда расмли ёки тўр пайпоқ кийилмайди. Пайпоқ танланган образга уйғун, ҳеч бўлмаса тана рангида бўлгани маъқул.

Пардоз (макияж). Қадим замонларданоқ аёллар асл ҳолатидан яна ҳам чиройлироқ, ёқимлироқ кўринишга интилишади. Шу мақсад учун турли-туман пардозлаш воситалари ижод қилинган. Бугунги кунга келиб, косметика маҳсулотларининг турлари мингдан ошиб кетди. Бутун дунёда косметика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кўплаб фирма ва компаниялар фаолият юритмоқда. Соҳани ривожлантириш учун кўплаб мутахассислар амалий тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Замонавий аёллар юз қиёфасини ўзгартириш, ўз услубини яратиш мақсадида косметика маҳсулотларининг хусусиятлари, хоссалари ва нима мақсадда қўлланишини аниқ билишлари лозим. Негаки, бундай маҳсулотлардан нотўғри фойдаланиш соғлиқ учун зарар келтириши ҳам мумкин. Пардоз (гримм) ёрдамида аёлларни вақтинча, тахминан 20 ёшга ёшартиш ёки яна шунча ёшга қари қилиб кўрсатиш мумкин. Аёлларнинг ёши ўтган сайин ёрқин рангли бўёқларни камайтириб боради. Кундуз кунги пардоз кечасига қараганда бироз пастроқ, рангсизроқ бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, аёл кишининг қўллари унинг ташқи қиёфасини белгилаб берувчи ташриф қоғози деб ҳам ҳисобланади. Қўлларни астойидил парвариш қилишда нафақат аёллар, балки эркекларнинг ҳам унинг тозалигига аҳамият беришлари керак.

Тирноққа суриладиган лакнинг ранги, лаб бўёғининг (помада) ранги билан мос тушиши лозим. Иложи борича тирноқлар устида ярим – чала ўчиб кетган лакларни қолдирмасдан, лакни ўчирувчи суюқлик (ацетон) билан ўчириб ташлаш керак. Қўлларимиз парваришига аҳамият берсак албатта шахсий гигиенага ҳам риоя қилган бўламиз.

Пардоз соғлом, тоза тердагина табиий ва чиройли кўриниши мумкин. Қишки пардозда аввалам бор тонал кремидан фойдаланиш тавсия этилади, ёзда эса тонал кремидан фойдаланмаслик лозим. Юзга пардоз қилинишида юз турига боғлиқдир. Широкое лицо. Важно не закрывать лоб. Матовый тональный крем коричневых оттенков зрительно уменьшит лицо. Наносят тон со щек. Широкий кистью движения начинают чуть ниже подбородка в направлении к верхнему краю уха. В заключение под скулами накладывают румяна коричневых оттенков и легкими движениями растирают границу между румянами и основным тоном. Узкое лицо. Тональный крем и румяна светлые. Румяна накладывают широкой полосой от носа к вискам. Корректирующий тон наносят на подбородок. Светлые румяна наносят круговыми движениями в центре щек. При продолговатом лице лучше опустить челку. Квадратное лицо. Основной тон наносят на середину лица, корректирующий – на углы нижней челюсти, румяна накладывают под глазами и в стороны. Треугольное лицо с вершиной вниз. Корректирующим тоном слегка затемняют подбородок. Румяна кладут от скуловых костей к вискам. Плоское лицо. Корректирующий тон – на скулы. Румяна – на середину лица поверх темного тона. Участки лица, которые надо выделить, высветляют светлым, основным тоном, темный наносят на те места, которые желательно затушевать. Серо – желтоватую кожу или кожу землистого цветов можно оживить розоватым оттенком, бледную – абрикосовым или персиковым. Краснота лица и расширенные кровеносные сосуды хорошо закрываются бежевым тоном. Длинный нос будет казаться более коротким, если на спинку носа нанести светлый тон, а на переносицу и кончик – темный. Короткий нос выиграет, если на спинку носа и перегородку нанести светлый тон, а

крылья оттенить более темным. Широкий нос можно сузить, осветлив его среднюю линию и оттенив по бокам. Резкий подбородок можно смягчить зрительно, если на него нанести корректирующий тон более светлый, чем основной. Двойной подбородок. Корректирующий тон наносят на подбородок и растушевывают в направлении шеи. Низкий лоб можно увеличить с помощью светлого тона, а очень высокий зрительно уменьшить, нанеся на него темный тон. Хорошо выглядят при овальной форме лица плавные линии бровей. При округлом лице чуть поднятые брови, на концах слегка закругленные. При треугольной форме поднятые, не слишком длинные. При квадратной форме достаточно длинные в виде плавной дуги.

Таянч тушунчалар

Такрорлаш учун саволлар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

Адабиётлар рўйхати

5 - Мавзу: Маданий – маърифий тадбирлар этикети

Маъруза режаси:

- 1. Такдимот (презентация) ва уни ўтказиш одоби.**
- 2. Турли шакллардаги ёшлар оқшомлари.**
- 3. Театр томошалари этикети.**

Маданият ва санъат соҳаси ходимлари фаолиятида энг оммавий амалий тадбирлардан бири шундай номланади. Такдимотда дунёга машҳур ижодкорлар, адабиёт ва санъат намоёндалари, корхона ва ташкилотларнинг ўз фаолияти давомида эришган ютуқлари, яратган кашфиётлари, янги ижодий маҳсулотлари, лойиҳалари намуналарини кенг жамоатчилик ёки соҳа мутахассислари эътиборига ҳавола этилади. Шу мақсадда ташкил қилинган махсус тантанали маросимда эришилган ижодий ютуқ ва кашфиётлар натижалари омма ўртасида тарғиб қилинади, шу баҳонада ҳамкорлар изланади, яратилган маҳсулотни янада такомиллаштириш юзасидан айтилган амалий таклиф ва мулоҳазалар қайта ўрганилиб бир хулосага келинади.

Такдимот маросимини ўтказиш учун олдиндан ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилади. Ташкилий ишларни юқори савияда якунлаш учун махсус мутахассислардан иборат ташкилий гуруҳ тузилади. Тадбир ўтказиладиган жой аниқланиб, маросимга мос безатилади. Афиша, буклет, реклама роликлари ишлаб чиқилади. Маросимда қатнашувчи меҳмонлар учун таклифномалар тайёрланади.

Таклифномалар турлича кўринишда бўлиши мумкин. Аммо уларнинг барчасида тадбир номи, соҳаси, ташкилотчиси, ўтказиладиган оyi, куни, вақти ва манзили аниқ кўрсатилади. Матн қисқа, аниқ ва ҳурмат юзасидан тузилади. Айрим таклифномаларда иштирокчининг келиш келмаслиги ҳақида телефон ёки факс орқали олдиндан маълум қилиши сўралади. Бунга албатта жавоб бериш керак. Телефон орқали бўладиган таклифларни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Махсус рўйхат орқали ичкарига киритишга мўлжалланган тадбирларда шундай йўл тутилгани маъқул. Яъни бино эшиги олдида турган маъсул ташкилотчилардан бири ҳар бир меҳмоннинг исми фамилиясини сўраб кейин ичкарига таклиф қилади.

Баъзилар тақдимот деганда фақат еб ичишни тушунадилар. Лекин бу нотўғри. Хорижда мазкур тадбирга нисбатан одатий иш фаолиятнинг давоми сифатида қаралади. Шу боис у куннинг иккинчи ярми ёки бироз кечроқ ўтказилади. Презентация узоғи билан икки соатгача давом этиши мумкин. Ундан ортиғига меҳмонлар толиқиб қолади. Ҳатто айримлари ишини баҳона қилиб кетиш тараддудига ҳам тушиб қолишини ҳам эътиборга олиш лозим.

Тақдимот бўладиган жойга ҳаммадан олдин бориш унчалик тўғри эмас. Шунингдек, ҳаммадан охирида келиб меҳмонлар эътиборини чалғитиш ҳам одобсизлик белгиси ҳисобланади. Энг яхшиси белгиланган вақтдан беш минут олдинроқ ҳозир бўлишдир. Ўзини ҳурмат қилган ҳодим ҳар доим шу қоидага амал қилади. Акс ҳолда меъёр бузилишига олиб келади.

Бундай нуфузли тадбирлар одатда бир неча қисмлардан иборат бўлади. Меҳмонлар келиши билан илиқ кутиб олиниб, уларга, олдиндан тадбирга бағишланиб ҳозирлаб қўйилган реклама пакетчаси тақдим этилади. Энг қизиқарлиси – бу очилиш маросимидир. Бу жараён ташкилотчилар ва нуфузли меҳмонларнинг тантанали нутқи, тилаклари, тасмани кесиш маросимларини ўз ичига олади. Сўнг барча меҳмонлар умумий залда ҳозирланган маҳсулотлар кўргазмасига таклиф қилинади. Баъзан вазиятга қараб мусиқали бадий қисм ҳам ташкиллаштирилиши мумкин. Аммо барча тақдимотларда махсус ҳозирланган зал ёки кенгрок хонада

матбуот конференциясини уюштириш одатий тусга айланган. Тадбир давомида барча меҳмонлар тамадди қилишга таклиф этилади. Кейинги йилларда европачасига “Фуршет” шаклидаги енгил тамадди қилиш оммалашиб бормокда.

“Фуршет” француз тилидан келиб чиккан бўлиб, “санчқида” деган маънони билдиради. Фуршетнинг таомномаси ташкилотчилар иқтисодий имкониятидан келиб чиқилади. Унда совуқ ва иссиқ газаклар, турли ширинликлар, ичимликлар ва кофе бўлиши мумкин. Таомлар турлари билан катта лаганларга солинади. Махсус идишларда овқатни ликопчаларга соладиган анжомлар қўйилади. Стол марказида ичимлик, қадах, фужер ва рюмкалар туради. Ликопча ва санчқилар стол четроғидан жой олади. Тамаддининг бу турида келган меҳмонлар стол атрофига таклиф қилинмайди. Аксинча официантлар ҳар кимнинг эҳтиёжи ва ҳоҳишига кўра ликопчада буюртма берилган иссиқ овқат, чой ва кофени патнисда тарқатишади. Бунинг қулайлиги меҳмонлар қўлида қадах билан зални айланиб юриб бемалол тамадди қилишлари мумкин. Бундай тадбирларда дастурхонга таклиф бўлиши билан ўзини овқатга уриш ҳам маданиятсизлик белгиси ҳисобланади. Охирида кофе ёки коньяк берилиши билан тадбир ниҳоясига етади.

Оқшомлар. Маданий дам олишга мўлжалланган тадбирлар орасида дўстлар иштирокидаги оқшомлар алоҳида аҳамият касб этади. Бундай тадбирлар расмий тарзда ўтказиладиган маросимлардан бутунлай фарқ қилади. Оқшомни уйда ҳам ташкил этса бўлади. Хонадонларда ўтказиладиган оқшомлар учун қуйидаги этикет қоидалари амал қилади.

Хонадонларда уй деворларининг овоз ўтказиш даражаси кўни-қўшнилар шароити, кайфияти ёш хусусиятларини эътиборга олиш, ҳар қандай шароитда ҳам уларга ҳалақит бермаслик лозим.

Ниҳоят, оқшомнинг бадиий қисми – рақс билан бошланади. Хонадонларда ташкил этиладиган оқшомларда эркаклар биринчи бўлиб аёлларни рақсга таклиф этади. Агар аёллардан бири таклифни рад этса, бошқалар билан ҳам шундай йўл

тутиш лозим. Бундай жавобни олган эркак ўша заҳотиёқ аёлдан кечирим сўрайди ва у бошқа безовта қилинмайди.

Этикет қоидаларига кўра даврада эркак аёлни ўзига жуда ҳам яқин тортиши шарт эмас. Маданиятли одамлар оралиқ масофани сақлай билишади. Умумий гигиена ва саломатлик меъёрларига амал қилиш катъийдир.

Рақсга тушаётиб суҳбатлашиш мумкин. Аммо нотаниш аёл билан биринчи бор рақсга тушаётганда бунга эҳтиёж бўлмаса, гаплашмаслик тавсия қилинади. Замонавий этикетда рақс поёнига етгач, аёл кишига миннатдорлик билдириш ва лозим топса, ҳатто қўлидан ўпиб қўйиш ҳам мумкин. Шундан сўнг аёлни жойига кузатиб қўйиш ҳам тарбияли эркакка хос хусусиятлардир.

Биринчи ким билан рақсга тушилади? Бу масала вазиятга қараб ҳал этилади. Аввал ўз севиклиси, умр йўлдоши билан даврага чиқилади. Кейин хонадон соҳибаси ёки рўпарасида ўтирган хонимни чорласа бўлади.

Баъзан мураккаб ҳаракатли рақсларга дуч келинади. Бундай вазиятларда етарли малакаси бўлмаса, ўзига маъқулроқ услубда мусиқага мос ҳаракат қилинади.

Махсус расмий тантаналар, қабул маросимлари ва байрам оқшомларида хонимларни даврага таклиф этишдан олдин эркаклар албатта ўзларини таништирадилар. Маросимга таклиф этилганлар сони чегараланган бўлса, ҳатто нотаниш аёлларни ҳам рақсга чорлашга табиий ҳол ҳисобланади.

Ёшлар оқшоми. Бундай маданий тадбирларни ҳам уйда ташкил этиш мумкин. Тадбир пайтида ота–оналар уйда бўлиш–бўлмасликларини ўзлари ҳал этадиар. Уларга ҳеч қандай шарт қўйилмайди.

Хонадон соҳиблари хонага кирганда, мусиқа тўхтатилиб, меҳмонларга бирма-бир таништирилади. Агар қўшнилар тадбир ҳақида олдиндан огоҳлантирилса, оқшом бошланганда келиб ёки деворни таққилатиб муаммо туғдирмайди. Шунинг учун улар розилигини олиш ҳам турли дилхираликларга барҳам бериши шубҳасиз.

Ёшлар енгил тамадди қилиб олиши учун бутербродлар, ширинликлар, мевалар ва ичимликларнинг бўлиши етарли. Меҳмонларнинг ўзлари билан олиб келган егуликлар ҳам ташкилотчилар томонидан патнисда олиб кирилади.

Албатта тадбирнинг файзли ўтишини тамадди ҳал этмайди. Бу яхши мусиқа танлашга боғлиқ. Ташкилотчилар мусиқа танлашни бироз тажрибалироқ ва бироз зийракроқ иштирокчидан илтимос қилгани яхши.

Этикет қоидаларига кўра ҳар бир меҳмон оқшом сабабчиси - хонадон соҳибасини ҳеч бўлмаганда бир бор рақсга таклиф этса бўлади.

Рақс оқшоми. Маданият ва санъат муассасалари фаолиятида кўпинча шундай оқшомларни ташкил этишга тўғри келади. Бундай кечаларда этикет қоидаларини билиш ва унга амал қилиш жуда ҳам муҳим. Оддий танишлардан “Сизни рақсга таклиф этсам бўладими” деб сўралади. Агар хоним бошқа столда ўтирган бўлса, олдин ёнидагиларга бироз эгилиб ним табассум билан унинг умр йўлдошига қаралади. Нигоҳида розилик аломати сезилсагина хонимга юзланади. Нотаниш аёл ўрнидан турганда эркак албатта ўзини таништиради. Бу пайтда аёлнинг қўлидан ўпиш ноўрин. Рақс тугагач, хоним жойига кузатилиб, миннатдорчилик белгиси сифатида таъзим қилинади. Агар у истаса, уни эри ва бошқалар билан таништиради. Бундай вазиятларда эркак янги дўстлар билан ярим соатгача бирга ўтиради. Лекин охиригача қолиб кетмайди. Пайтдан фойдаланиб бошқа аёллар билан ҳам рақсга тушиши мумкин. Янги танишлар жиддий илтимос қилгандагина оқшомни улар билан ўтказади.

Хонимларнинг рақс учун айтилган таклифларни рад қилишлари ноўрин. Чунки, тадбир ўз номи билан “Рақс оқшоми” деб аталади. Улар шунинг учун келишган. Агар бошқалар билан даврага чиқиш нияти бўлса, “Кечирасиз, мен рақсга тушишга таклиф қилинганман” дейиши лозим ёки “Бироз дам олмоқчиман” дейди. Шунда у аёл бошқалар билан ҳам рақсга тушмаслигини тавсия этамиз.

Оқшомга ўз умр йўлдоши ёки суюклиси билан ташриф буюрган аёлларни даврага таклиф қилишни ўйлаб кўриш керак. Негаки, унинг эри ёлғиз қолиб зерикиши, аёли ҳақида нотўғри таассурот пайдо бўлишининг олдини олган яхши.

Хўш, овқатланаётган аёлни даврага таклиф этса бўладими? Шубҳасиз, мумкин. Чунки, бундай кечада тамадди қилиш ва гаплашиш иккинчи даражали ишлардир.

Эркаklar оқшомга бирга келган аёллар олдидаги вазифалари қуйидагилардан иборат :

Ўз жуфтини залда қолдириб, 5 дақиқадан ортиқ ғойиб бўлмайди. Агар кўпчиллик бўлса, бу вақт 10-15 дақиқани ташкил этади. Эркак киши оқшом поёнига етиши арафасида ҳеч қаерга кетмаслигини маслаҳат берамиз. Чунки гардеробга топширилган плаш, пальто учун берилган рақам учун у жавобгар ҳисобланади.

Оқшом давомида аёлни ҳоҳишига қараб салқин ичимликлар ичиш ёки енгилроқ тамадди қилиш учун таклиф этиш мумкин. Тадбир сўнгида аёлни уйига кузатиб қўйиш инкор этиб бўлмайдиган қатъий қоидалардан биридир.

Тадбирга дўстлар билан бирга ташриф буюрилганда ёки оқшом бошланиши олдида танишиб, бир жамоага бирлашганда қуйидаги маъёрларга амал қилинади.

Стол атрофида аёллар сони тўрттадан ошмаган бўлса, эркаklar уларнинг ҳар бири билан ҳеч бўлмаганда бир бор рақсга тушиши мумкин. Улар кўпчилликни ташкил этганда бу қоида ўз кучини йўқотади. Агар хонимни даврада бошқа эркак рақсга таклиф этса, у ҳам унинг жуфтини шу ёки кейинги гал рақсга бошлаши мумкин. Хонимни бегона столдагилар даврага таклиф этганда юқоридаги қоида амал қилмайди.

Дастлабки рақс оқшомга бирга келган аёл билан тушилади. Сўнг ёнидагиси чорланади. Учинчисига қаршисида ўтирган аёл таклиф қилинади. Кейин бегоналар билан даврага чиқса бўлади. Бироқ суҳбатлашиб турганлар безовта қилинмайди. Оркестр ижро этаётганда ҳам рақсга тушилмайди.

Рақс пайтида мусиқага ҳамоҳанг ғўнғиллаш ортиқча. Агар рақсга тушаётган аёл бошқасига алмашганда, эркак киши албатта ундан узр сўрайди. Эркаklar ҳар қандай

шароитда ҳам рақс давомида чўнтагидан тароғини чиқариб сочини тарашга интилмаслигини маслаҳат берамиз. Бу қоида очик майдондаги рақсга ҳам тегишлидир. Этикет қодалари оғизда сигарета билан рақсга тушишни ҳам тақиқлайди.

Театр. Санъат муассасалари орасида кишиларга эстетик завқ бағишлайдиган, турфа хил томошалари билан барчани бирдек хайратга соладигани бу - шубҳасиз театрdir. Бундай муассаларга боришнинг ҳам ўз этикети шаклланган. Театрга спектакл кўриш учун 10-15 минут илгари борилади. Шунда томоша дастурини сотиб олиш у билан танишиш, ташқи қиёфасини тартибга келтириш ва ўз жойига бориб ўтириш учун вақт бўлади. Театрга ҳаммадан охирида кириб келиш унчалик тўғри эмас.

Театр этикети бино остонасидан бошланади. Бино фойесига кирилгач, эркаклар бош кийимларини ечадилар, чиқишда эса эшик олдида кийилади. Гардероб олдида бирга келган хонимнинг пальтосини ечишга ёрдамлашилади, сўнг ўз кийимларини топширади.

Ҳамма ўриндиқларда ўтирган бўлса, ўз жойини эгаллаш учун энгашмасдан, елкаси билан ёнма-ён ўтилади. Чунки табиийлик ҳар доим ҳам шароитга мос келавермайди. Бунда албатта безовталиқ учун улардан узр сўралади.

Аёл киши биринчи бўлиб ўтади, агар у эркак кишининг чап томонида бўлса, у ўз жойига борганда эркакнинг ўнг томонидаги ўриндиқда ўтирмасдан эркак етиб келиб ўтиргични энгаштиргунига қадар кутиб туради.

Агар хонимнинг ташқи образини шляпа тўлдириб турган бўлса, албатта ўтирганлардан бош кийим халақит бериш бермаслиги сўралади. Халақит берса, сўзсиз ечиб қўйилади. Бош кийим ечилганда орқадагилар миннатдорчилик билдирадилар. Баъзида уларнинг хўрпайтирилган соч турмаги ҳам ноқулайликлар келтириб чиқаради. Бу хусусда театрда боришдан олдин ўйлаш керак. Театрга икки жуфт бўлиб борилганда аёллар ўртада, эркаклар икки четда ўтиришади.

Залда таниш инсон учраб қолганда у билан бирга ўтириш учун ёнидаги билан жой алмашишни илтимос қилади. Аммо таклиф қилинаётган жой худди шундай қулайликларга эга бўлиши лозим.

Севишган жуфтликлар залда бошларини бир-бирларига текизиб, суяниб ўтиришларини оқлаб бўлмайди. Бундай ҳолат бошқаларнинг ғашига тегади.

Алоҳида ложада ўтирилганда ёнидаги хонимига шоколад улашиши мумкин. Аммо залга егулик олиб кирилмайди. Бунинг учун антракт бор. Танаффусда буфетга бориб, ҳоҳлаганда тамадди қилиш имконияти бор.

Аёллар театрга боришдан олдин ўткир ҳидли атторлик воситаларидан фойдаланмасликларини тавсия этамиз. Чунки бу ҳолат залда ҳидга таъсирчан томошабинлар учун ортиқча ноқулайликларни келтириб чиқаради.

Қиш фаслида бироз шамоллаган бўлса, театрга боришдан олдин ўзи билан спектакл давомида фойдаланиш учун йўталга қарши таъсирли дори-дармон олгани маъқул. Кучли йўтал нафақат залдагилар, ҳатто сахнадаги актёрларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Спектакл давом этаётганда баланд овозда гапириш, кимгадир ниманидир тушунтиришга ҳаракат қилиш, воқеалар ривожига изоҳ бериш ноўрин. Бу ишни антрактга қолдирса бўлади.

Сахनावий кўринишлар оралиғида баланд овозда бақирилиб олқишланмайди. Бундай ҳаракатлар концерт ёки ракс оқшомларида номер қайта ижро этилишини сўраш маъносида бажарилади. Номер қайта ижро этилгач, ижрочи албатта қарсак чалиш билан олқишланади.

Баъзида томошабинга бинокл берилади. Ундан залдагиларни излаш учун эмас, балки сахнадаги спектакл воқеаларни кузатиш учунгина фойдаланиш тавсия этилади.

Сахнадаги ҳаракатлар поёнига етиб, актёрлар таъзим қилгунларига қадар томоша залидан гардероб томон шошилмаслик лозим. Спектакл тугагач, албатта

актёрларни олқишлаб, миннатдорчилик билдирилади. Буни уйда меҳмон ва мезбон ўртасидаги муносабат, яъни хайрлашувга қиёсласа бўлади.

Таянч тушунчалар

Такрорлаш учун саволлар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

Адабиётлар рўйхати

6 - Мавзу : Ресторан, кафе ва банкетда ўзини тутиш этикети (Меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш)

Маъруза режаси:

- 1. Меҳмонга таклиф этиш одоби.**
- 2. Меҳмонни кутиб олиш тартиби.**
- 3. Стол атрофида ўтириш, овқатланиш ва нутқ сўзлаш этикети.**

Аёл киши билан учрашув белгилаб олган эркак киши, учрашув жойига вақтдан олдинроқ келиши, ресторан ёки кафеда (жой) столни эгаллаб олиши лозим. Агарда аёл киши учрашув жойига эркакка нисбатан эртароқ етиб келган бўлса, у ўз ёндошини кечикиб келгани учун урушиб, жаҳл қилиши ноўриндир. Эркак киши эса аёлидан кечирим сўраб, кечикиб келганини, сабабини тушунтириши мақсадга мувофиқдир.

Агар ресторан ёки кафеда бир қанча инсон ўзаро учрашув ҳақида келишилган бўлса, вақтида келган кишилар кечикаётганларни 20 дақиқагача кутиши лозим.

Баъзи бир хил аёл, кизлар ресторан ёки кафеда эмас, балки кўчада учрашув белгилашни жоиз деб билишади, бунинг сабаби ресторан ичкарасида ёлғиз кутишни хоҳлашмаслигидир. Бундай ҳолатда эркак киши ўз ўрнида эрта келиши шарт.

Кафе ёки ресторанда аёл киши биринчи бўлиб ичкарига киради. Кираётганда эркак киши, аёлни биринчи навбатда ўтказиб сўнг ўзи кириши, кейин эса ичкарида аёл кишига устки кийимини (пальто, сюртук) ечишида ёрдам бериши лозим. Сўнг эса ўзи ечиниб олишига имконият бўлади. Ҳар бир кафе ёки ресторанда гардероб бўлади. Унинг ёнида ойна жойлашган бўлади, ҳар бир аёл киши ойна ёнида соч турмагини тўғирлаб, кўриниши жойида эканидан ишонч ҳосил қилгандан сўнг ресторанга кириб стол олдига жойлашиши мумкин. Эркак киши аёлни стол олдига кузатиб уни ўриндиғига ўрнатиб сўнг ўзи ўтириши мумкин. Ресторанда жой танлашда бир нарсага эътибор бериш лозим, стол иложи борица девор олдида жойлашган бўлиши керак. Агар столингиз зал ўртасида бўлиб, аёл зал ўртасида жойлашиб қолган бўлса, аёл кишининг ўриндиғи эшикка қараган бўлиши лозим.

Туризм.

Агарда сиз бирон – бир дам олиш масканига йўл олган бўлсангиз, қуйидаги қоидаларни ёддан кўтармаслигингиз лозим:

- учрашув жойига келишилган вақтга келишни унутманг;
- ўзга кимсанинг ухлаш учун мўлжалланган тўшагига эгалик қилманг;
- қарзга олинган идиш – товоқларни ўз вақтида ва ювилган, тоза ҳолатида қайтаринг;
- бошқалар билан бир қаторда меҳнат қилиб, ўтин ёриш, овқатга керакли масаллиқлар тайёрлашда қарашинг. Ҳамма дам олиш билан банд бўлгандагина ўз ишингиз билан шуғулланишингиз мумкин;
- ўзгаларни ўз инжиқликларингиз билан толиқтирманг;
- табиатни тамоша қилиш ёки мева териш учун бутун жамоани йўл сафаридан тўхтатишни талаб қилманг, фақатгина йўл бошчи сафарда дам олиш вақтини эълон қилиши мумкин;

- соғлиғи яхши бўлмаган инсонлар, узоқ ва оғир сафарларга чиқишдан қайтишлари керак. Чунки бу уларнинг соғлиғига янада зиён етказиши мумкин. Агарда сафардан олдин соғлом бўла туриб, сафар вақтида каттик касал бўлиб қолган бўлсангиз, буни ўзгалардан сир сақлаб юришни кераги йўқ, бу сизни соғлиғингизга путр етказиши мумкин. Агар сиз ҳавас қилгудек соғлиқга эга бўлсангиз, бошқаларга мейёридан ташқари ўзингизни намоёниш этиб, уларни ҳам сиз каби тез юришга мажбур этманг, ҳамма ҳам сиз каби соғлом эмас, бошқаларни бундай сафар усули толиқтириб қўйиши мумкин.

Овқат қутилари, қолдиқлар ва бошқа табиатга зиён етадиган ахлатларни қолдириш мумкин эмас. Уларни ер остига қўмиб қўйиш лозим. Суратга тушишни севувчи инсонлар диққатига ўз қизиқишларига бошқаларни қўмаклаштириб, уларни расмга тушишига мажбур этманг. Ҳар ким ҳам суратга тушишни ҳуш кўрмайди. Агар сураткаш томонидан расмлар олинган бўлса ва шу расмларни у сизга хат орқали юборган бўлса, сиз унга ўз навбатида миннатдорчилик билдиришингиз лозим. Шунингдек, расмларнинг нарҳини билиб олишни унутманг, улар учун ҳақ тўлаш керакми ёки йўқми дея сўраб суриштириб кўринг.

Чет эл сафари. Чет эл сафари одатга кўра бошқа бир давлатнинг оби- ҳавосига, шарт – шароитларига кўникишни талаб этади. Бошқа бир давлатнинг дунё қарашларини, урф – одатларини ўз давлатингизга қиёслаш нотўғридир. Сафарнинг асосий мақсади ўзга юртга бўлган чексиз ҳурмат, унинг маданияти ва санъатига бўлган қизиқиш.

Экскурсия. Экскурсия вақтида сиз томонингизда эгалланган автобус ёки бошқа транспортдаги ўриндиқ сафарингиз охирида ҳам сақланиб туради. Бу экскурсия қонуниятларидан биридир.

Ресторан атамаси турли манбаларда турлича таърифланади. Ўзбек тилининг изохли луғатида мазкур атамага алоҳида таъриф берилган. **Ресторан** – атамаси французча сўз бўлиб, овқат, ичимлик ва ичкиликлар сотиладиган ошхона тури ва

унинг биносига нисбаттан қўлланилади. Чой, кофе, енгил таом ва шу кабилар сотиладиган кичикроқ ҳажмдаги ресторанлар эса кафе дейилади. Бугунги кунда уларнинг ҳар иккисидан кенг фойдаланилмоқда. Айрим ҳолларда ҳамкасблар бир-бирларини тушлик ёки кечки овқат баҳонасида ресторанга таклиф қилишади. Бўлажак ҳамкорлар эса шу баҳонада ким билан дўстлашаётганлиги ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот йиғишга ҳаракат қилишади.

Ресторанда меҳмон кутишнинг бир қанча қоидалари бор. Меҳмондорчилик, аввало, меҳмонга таклиф этишдан бошланади. Меҳмонга таклиф қилинадиган ҳамкорнинг вақти бор-йўқлиги билиб олингандан кейингина уни ресторанга чақириш мумкин. Бунда меҳмондорчиликнинг мақсади, вақти-соати ва шакли аниқлашган бўлиши шарт. Қандай тоифа одамлар қатнашишини ҳам ҳар бир чақирилувчи билиб қўйса, ёмон бўлмайди. Таклиф этилувчиларга меҳмондорчиликнинг не мазмунда ижро этилишини билдириш билан меҳмоннинг келиш-келмаслиги унинг ўз ихтиёрига ҳавола қилинади. Чунки ҳар бир киши меҳмондорчиликнинг ҳамма турларига ҳам боравермаслиги мумкин. Агар келмаса бу – унинг учун ресторанда ташкил этилган меҳмондорчилик маъқул эмаслигини билдиради.

Олдин ресторандан жой буюртма қилинади, ўзи беш минут олдинроқ келиб меҳмонни эшик олдида самимият ва очиққўнгиллик билан кутиб олиши лозим. Агар аёл киши таклиф қилинганда эркак айтилган вақтдан кечикиб келса, албатта унинг сабаблари тушунтирилиб кечирим сўралади. Ҳар қандай аёл буни тушуна олишга қодир. Кўпчилик ёшлар кўчада учрашишни ўзларига ноўрин деб билади. Айримлари эса ресторан ёки кафега ёлғиз боришни ёқтирмайди. Бундай вазиятларда уларни эркаклар бирга олиб келганлари маъқул. Ресторанга киришлари билан бош кийимлари ечилади. Эркак ва аёл биргаликда келганда умумий залга киришдан олдин файедаги гардеробда эркак аёлнинг устки кийимини ечишига кўмаклашади, кейин ўз пальтосини ечади. Топширилган кийимлар, портфель ва пакетларга берилган рақам эркакларда туради. Айрим мамлакатларда аёлларнинг плашини

ечмасдан ўтириши одатий ҳол ҳисобланади. Чиқишда гардеробдаги ходимнинг ёрдамини кутиб ўтирмасдан аёлнинг кийинишишига ёрдамлашиши ҳам маданиятлилиқ белгисидир. Буни ҳар бир эркак билгани яхши.

Файеда ўрнатилаган ойнада аёл ўзининг ташқи кўринишини кўриб олиш мумкин. Аммо сочини тараш, галстугини тўғирлаш, чулкисини кўтариб олиш, туфлисини артиш учун ҳожатхонага кирилади. Ҳожатхонанинг қаердалигини ҳар ким ўзи билиб олгани маъқул.

Аёл ўзининг кийимларини тиртибга келтириб бўлгандан сўнг, эркак уни залга томон бошлайди. Эшикдан биринчи аёл ичкарига киради. Эркак залда олдинга ўтиб қаерга ўтириш мумкинлигини аниқлайди. Жой буюртма қилинмаган бўлса, залда уларни официант ёки администратор кутиб олади. Бунда жой танлаш аёлнинг ихтиёрига қўйиб берилади. Мобода бирор столда ортиқча жойлар бўлса, ўтиришдан олдин албатта руҳсат сўралади. “Жой банд” жавоби айтилганда ортиқча саволлар берилмайди. Бу бошқаларга ёқмаслиги мумкин. Агар ўзлари таклиф қилмаса, бошқалар столига бориб ўтириш ҳам одобсизлиқ белгисидир.

Залда ҳар доим аёллар тўрға ўтқизилади. Столга эркак ва аёлнинг бир-бирларига қарама-қарши ўтиришларига аҳамият берилади.

Меҳмон столга ўтиргач, егулик учун буюртма беришни меҳмоннинг ихтиёрига ҳавола этилади. Одатда асосий овқат, салат ва бирор ичимлик буюртма қилинади. Меҳмон нима таом ҳоҳласа мезбон ҳам уни маъқуллаши зарур. Акс ҳолда унга нисбатан беписандлиқ қилинган ҳисобланади.

Таомлар келтирилгач, олдин меҳмонга ёқимли иштаҳа тиланади. Сўнг ўзи ҳам овқатларни ликопчаларга солади. Шакар, туз, қалампир, мурч кабилар ҳам столда бўлишига эътибор қаратилади. Яна бир муҳим жиҳат – меҳмоннинг тез ёки секин овқатланишига ҳам алоҳида назар ташлаш лозим. Унга ҳамоҳанг овқатланилади. Секин тушлиқ қилинаётганда бирор мавзу ҳақида суҳбатлашиб олиш имконияти пайдо бўлади. Бунда унинг узоқроқ гапириши учун бирор мантиқли ва қизиқарлироқ саволни ўйлаб топиш керак.

Стол атрофидан ўтиб кетаётган танишлар, ҳатто аёллар билан ҳам ўтирган жойида саломлашилади. Ўтирганлар ўтиб кетаётган кишига мурожаат қилмоқчи бўлганда эса албатта туриши талаб этилади. Агар танишлардан бири бирор гап айтиш учун тўхтаса, уни аёл билан таништириш шарт эмас. Унинг бироз эгилиб салом бериши, аёлнинг эса табассум билан алик олиши кифоя. Сўзлашув чўзиладиган бўлса, уни ҳам столга таклиф қилиш ёки аёлдан узр сўраган ҳолда вақтинча унинг столига бориб ўтириш тавсия этилади. Бундай пайтларда сўзлашув қисқароқ бўлгани маъқул.

Ресторанда нафақат икки кишини ҳатто кўпчилликни ҳам кутиб олиш имконияти мавжуд. Бунда энг муҳим жиҳат нуфузли меҳмонларни жой-жойига ўткази олишдан иборат. Меҳмондорчиликнинг бундай шаклида жудаям катта нозиктаъблик талаб этилади. Айтайлик эркак кишининг туғилган куни муносабати билан ташкил қилинаётган банкетларда юбиляр столнинг тўридан жой олади. Энг азиз ҳисобланган меҳмон унинг ўнг томонидаги стулга жойлаштирилади. Унинг аёли чап томондан ўрин олади. Шу тариқа жойлар тўлдирилади. Охирида уй бекаси ўтиради.

Агар жамоага бошқа биров таклиф қилинганда у албатта ҳар бир эркак ва аёл билан алоҳида таништирилиб чиқилади. Бу жараёнда эркаклар ўрнидан туради, аёллар жойларида ўтиришлари мумкин. Мободо жамоага янги аёл келиб қўшилаётган бўлса, ҳамма ўрнидан туриши унга бўлган самимий муносабатни ифодалайди.

Ресторан ва кафеларда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор берилади:

Ликобча стол устида туради, фақат чашканигина қулоғидан кўрсатиш бармоқни ўтказиб олиб, жимжималоқни тегизмаган ҳолда ушланади. Чой қошиғи фақат чой ёки кофегга солинган шакарни аралаштириш учунгина ишлатилади, сўнг ликопчага, узунроқ бўлса, унинг ёнига қўйилади. Ҳеч қачон чой ёки кофенинг биринчи қултимини ичиб кўриш учун фойдаланилмайди. Иссиқ бўлса бироз кутилади, тезроқ совиши учун пуфланмайди. Идиш тагидаги қолдиғи қайта истеъмол қилинмайди.

Чойга солинган лимон тилими чой қошиқ билан эзилиб, кейин ликопчага олиб қўйилади ёки идиш ичида қолдирса ҳам бўлади. Чой алоҳида пакетчали идишга солинган ҳолда келтирилса, керакли даражага етгандан сўнг пакетча ипидан ушланиб, чиқариб олинади ва ликопча устига қўйилади.

Ичимликларнинг узун найчалар билан келтирилиши ёқимли кайфият пайдо қилади. Лекин унинг охирги томчиси қоғунига қадар ичиш ноўрин. Бундай ҳолатлар бошқаларнинг ғашига тегади.

Анъанага кўра чой билан бирга кремли пироженоелар келтирилганда чашка четида доғ қолдирмасликка ҳаракат қилинади. Бунинг учун тез-тез лабни салфетка билан артиб туриш лозим. Бисквитли пироженоелар эса қошиқда ейилади. Қурук пироженоелар қўлда ейилади, чунки қошиқда сочилиб кетади. Қоғоз салфеткалар ишлатилгандан кейин ликопчага ташланади, кулдонларга тўкилмайди.

Столда бир дона таомнома бўлганда, олдин аёл киши таомнома билан танишади. Кўпчиллик бўлиб ўтирилганда, кимдир таомлар таркибини овоз чиқариб ўқийди.

Овқатланиш жиҳозлари ёнида алоҳида салфетка қўйилади. Ўтириб тамадди қилаётганда кийимга доғ тушмаслиги учун у тиззасига ёпилади. Аёллар ипакдан кийим кийган бўлса, салфетка тушиб кетиши табиий. Бундай вазиятда эркак аҳамият бермаслиги тавсия этилади. Аёлнинг ўзи уни ердан билдирмай олиб тиззасига ўрнатишнинг иложини топади. Охирида ишлатилган салфетка яна стол устига тахлаб қўйилади.

Одатда асосий таомга қўшимча сифатида соус ва мевалар келтирилади. У агар битта идишда бўлса, ҳар ким ундан олиб ўз ликопчасига солиши мумкин. Тузлама ва салатлар ҳамма овқатлар билан ҳам истеъмол қилинаверади. Консерваланган гўшт ва қўзиқоринлар махсус идишларнинг ўзидан санчқи билан олиб ейилади, тагидаги ликопчага тегинилмайди.

Биринчи таомга буюртма берилгач, тайёр бўлгунига қадар кутиш даврида чекиш мумкин. Аммо овқатланаётганда тамакини тутатиш ортиқчалик қилади. Чекиш ҳаммага ҳам ёқавермаслигини эътиборга олиш керак.

Овқатланиб бўлингач, ҳисоб – китоб ёзилган қоғозли ликопчага керакли сумма солинади. Ҳоҳласа суммани қайта ҳисоблатиши ҳам мумкин. Эркак аёл учун тўлаётганда аёлнинг бу ишга аралашишига йўл қўйилмайди. Тамадди қилинаётганда нарх-наво устида гаплашилмайди. Аёл эркак томонидан махсус таклиф қилинмасдан залнинг ўзида танишиб бирга тамадди қилган бўлишса, ҳар бири ўзи учун ҳисоб-китоб қилади. Эркак ичимлик ва вино учун тўловни ўз зиммасига олса бўлади. Умуман Европада ресторан, кафега таклиф қилинган киши, у аёл ёки эркак киши бўлишидан қатъий назар, ҳар ким пулни ўзи тўлаши одатий тус олган.

Кўпчилик бўлиб стол атрофида ўтирилганда тамадди қилиш ташаббускори ресторанни тарк этиш таклифини ўртага ташлайди. Ёки соатига қараб қўйган аёлнинг мақсадини эркак тезда англай олиши керак. Кетиш олдидан қолганларга яна бир бор ёқимли иштаҳа тилаб, раҳмат айтиши керак.

Овқатланиш одоби. Сиз ҳоҳ оила аъзоларингиз, ҳоҳ таниш-нотаниш меҳмонлар даврасида бўлинг, овқатланиш вақтида оддий этикет қоидаларига риоя қилишингиз талаб қилинади.

Стол атрофида қоматни тик тутиб ўтириш зарур. Шалпайиб, қийшайиб ўтириш одобсизлик ҳисобланади.

Меҳмондорчиликнинг ўзбекона шакли ҳам бор. Маҳаллий тилда бу турлича, номланади. Зиёфат, базм, гап, гаштак, ош, чойхона сингари атамалар айнан шу маънода ишлатилади. Бунда биринчи иш дастурхон безашдан бошланади.

Столни чиройли қилиб безатиш ва меҳмонни кўнгилдагидек кутиб олишни ҳам санъат даражасига кўтарса бўлади. Дастурхон тузайдиган киши уқувли, покиза ва юксак дидли бўлса яхши. Бу хусусда Карим Маҳмудов ўзининг “Меҳмоннома” китобида шундай тавсияларни беради:

Стуллар меҳмонлар ўтирганларида тирсаклари бир-бирига ҳалақит бермайдиган масофада қўйилади. Яхши ўрнатилган столлар устига аввал клёнка ёки фланель тўшаб, устидан тоза дастурхон ёйилади. Дастурхонларнинг ранги бир хил: ё оқ ёки ҳаворанг бўлиб, гуллари ортиқча жимжимадор бўлмаслиги шарт. Дастурхонга қўйиладиган идиш товоқлар ранги, гули, шакли бир хил бўлиши керак.

Оила аъзолари учун ясаладиган дастурхон бир бошқа, меҳмонлар учун тузаладиган дастурхон бир бошқа. Тўйларда дастурхон бошқача безатилади, байрам дастурхони ўзгача бўлади.

Яхши тузалган дастурхон зиёфатни оқилона уюштиришга ёрдам беради. Дастурхон тузашда икки қоида бор: бири моддий шароитларни ҳозирлаш бўлса, иккинчиси маънавий шароитларни таъминлашдир. Дастурхонга қўйиладиган таомларнинг хилма хиллиги, миқдори ва сифати, овқатланиш асбобларининг (идиш-товоқ, қошиқ-вилка, чойнак-пиёла, стол-стул ва ҳоказо) етарли миқдорда мавжудлиги ва уларни жой-жойига қўйиш, дастурхон тузаладиган жой покиза, қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши – буларнинг ҳаммаси моддий шароит ҳозирлаш қоидасига киради.

Маънавий шароитни таъминлаш қоидасига меҳмонларни эъзозлаб кутиб олиш, дўстлик ва самимийлик, уларга сидқидиллик билан хизмат қилиш киради. Дастурхон тузалган жойда ва атрофида кўҳлик буюмлар, гуллар, суратлар, қўйингчи, кишининг баҳри дилини очадиган, эстетик завқ берадиган нарсаларни муҳайё қилиш зарур.

Дастурхон нечоғли чиройли қилиб безатилса, устига қўйилган таомлар лаззатлигина эмас, кўркем бўлса, мезбоннинг маданиятлилиги шу билан ҳам ифодаланади.

Дастурхон тузаганда ҳар бир меҳмон учун унинг стули тўғрисида биттадан ликопча, ликопчанинг ўнг томонига пичоқ чап томонига вилка ва қошиқ, қўйилади. Салфеткаларни эса ликопчалар устига чиройли қилиб тахланади. Агар салфеткалар қоғоздан бўлса, уларни стаканга солиб, столнинг бўшроқ жойига қўйилади.

Маҳаллий анъаналарга кўра, одатда ширмой патир, оби нон дастурхонга жуфт-жуфтлаб қўйилади. Бу – жуфтлик ифодаси. Нон меҳмонлар келиб ўтиргандан кейингина синдирилади. Стол ўртасига гулдонда бир даста гул қўйилса, дастурхон тантанали кўриниш касб этади.

Хуллас, дастурхонга таомларни шундай жойлаштириш керакки, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмасдан ўзига керакли нарсаларни ола билсин. Меҳмонлар яхна овқатлардан баҳраманд бўлганларидан кейин дастурхонга суюқ, иссиқ овқат тортилади. Қуюқ таомлар ўнг томонда, суюқлари чап томонда жойлаштирилади. Бунда шу қоидага амал қилиш зарур: энг биринчи косада келтирилган таом ҳурмат юзасидан дастлаб меҳмонлар орасидан ёши улуғ кишининг олдига қўйилади. Таомни ўнг қўл билан узатилади.

Қуюқ иссиқ овқатлар (қовурма кабоб, манти, палов кабилар) зиёфат тугаши олдидан тортилади. Бу таомларни лаганларда ёки алоҳида ликопчаларга келтириш мумкин.

Меҳмонни шундай кутиш керакки, дастурхон серфайз, нафосатли бўлсин, лекин исрофгарчиликка йўл қўймаслик керак.

Оддий оила меҳмондорчиликларида зиёфат мезбоннинг бошқарувида амалга оширилади. Бироқ катта давраларда бу вазифа меҳмонлар орасида эътиборли бўлган шахс. Ёши улуғ одам зиммасида бўлгани яхши. Буни кўпинча ўртани олиб борувчи деб хато номлайдилар. Аслида зиёфатни бошқарувчи меҳмондорчиликнинг ҳар қанақасида эмас, фақат энг катталари: тўй, байрам, зиёфат-базм ва юбилей дастурхонлари устида сайланади. Мадомики шундай экан, катта зиёфатларда бу вазифага тўғри келган маҳмадонани эмас, шу ишга истеъдодли, дид-фаросатли, чаққон, хушчақчақ, билимдон одобли, ҳозир бўлганларнинг барчасини ёки кўпчилигини танийдиган, ҳамма ҳурмат қиладиган, ёшу – қарига баб-баравар гапи ўтадиган ташкилотчи ва зийрак одамни топиб, олдиндан рухсатини олиб, сўнг базмдагиларнинг умумий қарсаги асосида таклиф этиш зарур. Бошқарувчи

зиёфатнинг тизгинини қўлига олган бўлиб, барча унга итоат қилиши шарт. Шунда у қуйидаги вазифаларни ўтайди:

- бошқарувчи зиёфатда дастурхоннинг пойгагига ўтириб қолган кекса ва хурматли кишиларни тўрға ўтказди;

- базмда хотин-қизларнинг раъйига қараб иш тутди;

- янги келган меҳмонларни бир-бирларига таништиради. Чунки, улар кимлар даврасида ўтирганларини билиб олиши керак. Таништирувда ҳар кимнинг яхши сифатлари, эзгу ишлари, касбу кори тилга олиниши мумкин;

- овқатланиш меҳмондорчиликда энг муҳим жараёнлардан биридир. Бунда мезбон ғоятда назокатли ва ҳушёр бўлишига тўғри келади. Токи бирон ножўя ҳаракат ёки қилиқ билан тўрланганларда салбий таъсирот пайдо бўлмасин.

Таом тановулини бош мезбон ва унинг рафиқаси бошлаб беради, сўнг барча меҳмонларга таклиф қилинади.

Аёл меҳмонларга кўпроқ эътибор қаратилади. Уларга дастурхондаги неъматлардан таклиф этилаётганда, ўзининг вилкаси билан олишга қулайлик туғдирилсин, кимдир ўз вилкаси ва қошиғи билан бошқаларнинг ликопчаларига таом олиб бермасин. Бирон каттароқ гўштни кесмоқчи бўлганда вилка чап қўлда, пичоқ эса ўнг қўлда ушлаб бажарилади. Ҳар гал оғизга сиғадиган бўлакча кесиб олиниб ейилади. Иложи борица қошиқ, пичоқ ёки вилкани идишга шарақлатиб урмасликка ҳаракат қилиш лозим. Шу билан бирга суюқликни хўриллатиб ичмасликка, қуюқ овқатларни чапиллатиб чайнамасликка эришмоғ керакки, бу бошқаларнинг ғашини келтирмасин.

Қиймаланган гўштли овқатлар (тефтели, котлет, дўлма) истеъмол этганда пичоқ ишлатилмайди, вилканинг ўзи билан ейилаверади. Балиқ ва қуш гўштлирини ҳам пичоқсиз вилка билан ейиш тавсия этилади.

Бир неча порцияси бирга — яхлит идишда берилган таомлардан керакли миқдорини ҳар ким ўз ликопчасига олаётганда умумий қошиқ ёки вилкадан фойдаланади. Зинҳор ўз қошиғини умумий овқатга солмаслиги жоиз.

Суюқ овқат тановвул этганда косани чап қўлга олиб, оғизга яқинлаштириб ёки косанинг ўзида ичиш мумкин эмас. Овқат солинган коса столдан қўзғатилмаган ҳолда ейилади. Овқатни шошилиб ейишдан, суюқликни қултиллашиб ичишдан воз кечинг. Чунки, қалқиб кетса, атрофдагилар безовта бўлади. Оғиз ва қўлни артишда фақат салфеткадан фойдаланилади. Дастрўмол ишлатиш яхши эмас. Бироқ, терлаб кетилса, юзни салфеткага суртиш ҳам нотўғри. Овқатланиш тугагач, салфеткани тахламасдан стол устида қолдирилади.

Овқатланиш пайтида қанча безовталанса ҳам буни ҳеч кимга сездирмасликка интилиш ва тиш қовламаслик лозим.

Меҳмонларга илтифот кўрсатиш албатта зарур. Бироқ, ўта зўрлаб овқат едириш ва қўп ичириб маст қилиб қўйиш ярамайди, зиёфатнинг оқилоналиги барбод бўлади.

Дастурхон устидаги суҳбат ғоят самимий бўлмоғига эришиш зарур. Гапирганда овозни баландлатмасликка, лекин ўтирганларнинг барчасига эшитиладиган қилиб сўзлаш керак. Овқатланишда бўлгани каби суҳбатда ҳам доим аёлларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Уларга мурожаат этганда юзда енгил ва самимий табассум бўлгани яхши. Савол беришмаса ортиқча гапиравериш ярамайди. Чайналаётган луқмани ютмай туриб гапириш ҳам жуда хунук одатдир.

Дастурхон устида зинҳор касаллик, ўлим, фожиа, бахтсизлик кабилар тўғрисида оғиз очилмайди. Иложи борица кишининг баҳри дилини очадиган шодлантирадиган ижобий сўзлар, терминлар ва ҳаётӣ латифалар ишлатишга ҳаракат қилинади.

Ташкил этилган меҳмондорчилик узоқ вақтлар унутилмаслиги мақсадида ва меҳмонларни хуш кўрганлик рамзи сифатида совға ёки бирон эсдалик буюм тақдим этилади. Бироқ, совға бериш шарт қилиб қўйилмаган. Бу энг аввало мезбоннинг иқтисодий аҳволига боғлиқ. Совғани меҳмонлар ичида энг табарруқ ва раҳбар саналган кишига дастурхондан турилганда барчанинг иштирокида асосий мезбон топширади. Шундан сўнг бошқаларга олдиндан тайёрлаб қўйилган совғалар бирма бир топширилади. Шу тариқа зиёфат якунига етади.

Бу ўринда меҳмонга борадиган кишилар қайси қоидаларга амал қилиниши ҳам билиб қўйган яхши. Улар қуйидагилардир:

1. Ўз ташқи образининг бутунлиги – яхши кийиниш, соч-соқолини тартибга келтириш.
2. Туғилган кунга бораётган бўлса, иқтисодий имкониятига қараб мезбонга совға-салом олиб бориш.
3. Меҳмонга айтилган жойга белгиланган вақтдан 5 дақиқа илгари етиб бориш.
4. Меҳмондорчилик пайтида дастурхон атрофида одоб сақлаб ўтириш, ёши катталар олдида ортиқча вазхонликка берилмаслик, бировнинг гапини бўлмаслик.
5. Бошқаларга ёқмайдиган ёқимсиз қилиқлар қилмаслик, ҳаммани бирдек ҳурмат иззат қилиш.
6. Стол атрофида ўтирганда уяли телефонда танишлари билан баланд овозда гаплашиб ўзгаларнинг асабига тегмаслик.
7. Меҳмондорчиликда ҳаддан ташқари спиртли ичимликлар ичиб ёмон таассурот қолдирмаслик, мезбонлар хонадонини базм тугаши билан ҳамма қатори ўз вақтида тарк этиш.

Театр. Ўзига қараб олиш, дастур сотиб олиш ҳамда ўз жойига ўтириш учун. спектакль бошланишидан 15-20 минут олдинроқ театрга келиш керак. Спектаклга кечикиб келган одам ўтирган тамошабинларга ҳалақит бериши мумкин. Албатта охирги бўлмасликка ҳаракат қилиш лозим.

Файега кирганда, эркак киши бош кийимини ечади, чиқишда эса у бош кийимини эшикнинг ёнида кияди. Гардеробда эса ўз ёндошига пальто ёки плашни ечишга ёрдам беради, кейин эса ўзи ечинади.

Анатомик нуқтаи назардан қараганда ўтирган одамнинг ёнидан орқа билан ўтиш табиий, чунки ўтирган одамнинг тиззасидан ўтиш қулай, лекин ўтирган одамларга қараб ўтиш одобли ҳисобланади. Одоблилиқ қулайлик билан ҳар доим ҳам тўғри келмайди. Бездовталиқ учун узур сўраш ортиқчалиқ қилмайди. Аёл киши ўз жойига биринчи бўлиб ўтади, лекин шундай қилиб у эркак кишининг чап

тарафида бўлиб қолса, бундай ҳолатда у ўз жойига етиб борганидан кейин шеригига нисбатан ўн тарафда бўлган жойга ўтиради. Эркак киши ўтирадиган стулни ушаб турмоқ мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар аёл кишининг кийим бошини шляпа тўлдириб турса, у орқада ўтирган тамошабинлардан бош кийими ҳалакит бермаяптими деб сўраш лозим. Агар жавоби: “ха, озгина”, бўлса бош кийимни ечиш керак. Агар у бу ҳақида сўрашни унутган бўлса, унинг орқасида ўтирган одам хушмуомалик билан шляпани ечиб қўйишни сўраши мумкин. Бундай илтимосни сўзсиз бажариш лозим. Аёл киши ўз бош кийимини ечганидан кейин, унинг орқасида ўтирган одам миннатдорчилик билдиради. Янада катта ноқулайликни аёллар сочтурмаги олиб келади. Ана бундай турмакни ечишни иложи йўқ. Шунинг учун театрда тайёрланганда, аёл киши бу томонни назарга олиш керак. Агар тамошабинлар залида иккита жуфтлик ўтирса, аёллар марказда, эркаклар эса икки томонда ўтиради. Лекин ложадан яхши кўринмаслиги учун, айниқса орқа қаторларда, аёллар шундай ўтириши керакки, эркакларга сахнани кўриш имконини бериш керак.

Агар сиз театрда бирон – бир танишингизни кўриб қолсангиз ва у билан бирга ўтиришни ҳоҳласангиз ўз яқин қўшнингиз билан жойни алмаштиришингиз мумкин, лекин баҳоси бир ёки ундан ҳам яхши жой бўлиши мумкин.

Севишганлар бошини бир – бирига қараб энгаштириб ўтириши мумкин эмас. Бу уларнинг орқасида ўтирган одамларга ноқулайлик туғдириши мумкин. Театрга келган барча тамошабинлар тинчликни сақлаб, гаплашмасдан, ён атрофдагиларга ҳамда сахнадагиларга ҳалакит бермаслиги керак. Театрда ўтирганда овқатланмасдан, ўтирган жойини ифлосламасдан ўтириш ҳам одобга киради. Дастур сотиб олиш ва ўз ёндошига бериш, ўз аёли билан келган эркакнинг мажбуриятига киради.

Мулоқот этикети. Суҳбатни қандай бошлаш мумкин: Суҳбат бошлашни ҳолатга қараб турли хили мавжуд. Агар сизни ҳеч кимни танимайдиган кечки базмга таклиф қилишган бўлса, у ҳолда ҳаммани ичида ўзингизга ўхшаб якка турган инсонни кўз билан қидириб кўринг ва унга кўркмасдан мурожаат этинг:

“Яхшимисиз, Менинг исмим...” кетидан эса илтимос қилиш мумкин: “Мен бу ерда биринчи марта ва ҳеч кимни ҳали яхши танитайман, балки сиз менга ёрдам берарсиз, билганларингиз билан таништириб?”, танишиб олгач эса, бошқа ахборотлар тўғрисида суҳбат олиб боришингиз мумкин, масалан, ўқиш, иш, оила, дўстлар ва ҳоказо.

Кўпчилик ичида танишув илтимос ёки ёрдам беришдан бошлангани маъқул. Кутубхонада сизни қизиқтирувчи китоб ҳақида сўраш мумкин, магазинда – мол – товарлар ҳақида маълумот сўраш, галереяда бирор бир бадиий асар ҳақида, кўчада йўлни кўрсатиб ёки чунтириб беришни илтимос қилишингиз мумкин.

Суҳбатни давом эттиришда турли хил савол бериб бориш мумкин: охириги талқиндаги кинофильмлар ҳақида фикрини билиш, таниқли мусиқа группалари ҳақида, сиёсатдаги бўлиб ўтаётган жараёнлар ҳақида ва ҳоказо. Бундай суҳбат кишини ҳижолатдан холи қилиш билан бирга ҳамсуҳбатдошингизни қизиқишлар бўйича фикрлаш доираси билан ҳам яқиндан танишишга ёрдам беради. Шунингдек, ҳаётингизда бўлиб ўтган бирор – бир воқеа ҳақида ҳам гапириб бериб, унинг фикрини билиб олишингиз ҳам мумкин.

Бир неча маслаҳат:

Билингки, яхши суҳбатдош бўлиш учун, ҳамма йўналишлар бўйича ахборотга эга бўлишингиз керак, яъни сиёсат бобида бўлиб ўтган охириги воқеалар, мусиқа, кино, спорт дунёсидан бохабар бўлиш керак.

Инсонга суҳбат давомида яхши эшитувчи ҳамсуҳбат киши бўлгани маъқул, чунки одат бўйича инсонга эшитишдан кўра ўзи гапиргани қизиқарлироқдир. Агар сиз гапни бўлмасдан, фикрни жамлаб, воқеага бўлган қизиқишингизни саволлар орқали, яъни: “Кейин нима бўлди?”, “Наҳотки, шундай бўлган бўлса?”, “Бу ҳолатдан қандай қилиб чиқиб кетдингиз?” кабилар билан мурожаат қилсангиз, унда ҳар қандай одам сиз билан суҳбатлашишни мароқли деб билади.

Суҳбатни якунлаш қоидаси. Суҳбатни яхши тамомлаш кейинги учрашувларингизни давом эттириш учун катта аҳамиятга эга.

Ҳамсуҳбатдошингизни хафа қилиб қўймаслик учун ўта ҳурмат билан ҳайрлашган маъқул. Агар суҳбатингиз тамом бўлган бўлса, у ҳолда турли баҳоналар қилиб янги мавзуларда суҳбатни давом эттиришни ўйламай, яхши таассурот билан ҳайрлашиш керак. Масалан: “Танишганимдан хурсандман!”, “Яна учрашамиз деган умиддаман!”, “Албатта яна учрашиб, суҳбат қуришимиз керак!”, “Сиз билан суҳбатлашиш мароқли бўлди!” ва ҳоказо. Агар аксинча, сиз шошиб турган бўлсангиз, у ҳолда соатингизга қараб кетишингизни билдириб қўйишингиз керак. Ҳайрлашувингизни ҳурмат билан кўрсатиб қуйидагиларни айтишингиз мумкин: “Албатта бунинг устидан чиқасиз! Афсуски мен кетишим керак, лекин бу суҳбатни албатта кейинги сафар сиз билан давом эттирамиз деган умиддаман!”.

Тарбияли одам ўзи тўғрисида сўзламайди, сиз ҳақизда гап очилганда ҳам, суҳбатни тезгина бошқа мавзуга буриш керак. Шахсий муаммолар оила даврасида ёки яқин дўстларингиз даврасида муҳокама қилингани маъқул, базмларга эса дам олиш ва кўнгил ёзиш учун борилади. Уй муаммолари ва касалликлар тўғрисида бошқа мавзуда суҳбат қура олмайдиганлар гаплашадилар. Врачга базм давомида турли хил саволлар билан мурожаат қилмасдан касалликларингиз тўғрисида консультациясига ёзилиб гаплашганингиз маъқул.

Сир бўлган ахборотлар ҳақида гапириш ҳам тўғри эмас. Бировларнинг камчиликларини гапириб ўзини яхши кўрсатиш номарднинг иши. Ҳақиқий инсон бировларнинг камчиликларини яширади ва кўпчилик орасига кирганда уларни тарқатмайди.

Кайфиятингизни ёмон бўлишига қарамасдан уни билдирмасликка ҳаракат қилинг ва суҳбатни қўллаб қувватлаб туринг, акс ҳолда сиз билан гаплашаётган одам гапириб сиз жим турсангиз бўлмайди. Суҳбат олиб борилаётган пайтда кўпчиликнинг ичидан чиқиб кетиш ҳам одобдан ҳисобланмайди. Пичирлашиб гаплашиш хунук кўринади, агар ҳамсуҳбатдошингизга гапингиз бўлса, уни бир четга олиб гапирсангиз бўлади.

Суҳбат пайтида секин шошмасдан гапириб, суҳбатдошингизни кўзларига қараб сўзлашинг, шунингдек суҳбатдошингизни кийимига, тугмасига ва ҳоказо жойларига қараб гапириш одобдан эмас. Бошқаларга қўл билан кўрсатиб гапириш, қўлларингиз чўнтакда бўлиши ёки суҳбатдошингиз елкасида туриши мумкин эмас.

Агар суҳбат она тилида олиб борилаётган бўлса, бошқа тилда гапириш одобдан эмас. Агар танишингиз кўчада у бу кимни кутиб турган бўлса, айниқса аёл кишини, у ҳолда уни гапга тутиш керак эмас.

Таянч тушунчалар

Такрорлаш учун саволлар

- 1.
- 2.
- 3.
- 4.
- 5.
- 6.
- 7.

Адабиётлар рўйхати

ХУЛОСА

Этикет – кундалик ҳаётимизда амал қиладиган одоб-ахлоқ меъёрлари, анъанавий ва замонавий турмуш маданияти мезонларининг йиғиндисидир. Унинг асосий қоидаси қачон, қайси шароитда ким билан қандай муносабатда бўлиш, нималарни ўрганиш-у, қайси одатлардан ўрнатилиш масалаларида бир қарорга келиш учун ёшларга яқин маслаҳатчи бўла олади. Ўзбек халқида тарихан шаклланган жамоат жойларида ўзини тутиш меъёрлари, бошқа миллатларда шаклланган қоидалардан бутунлай фарқ қилади. Биз бунини кўпинча қуйидаги жойлар ва вазиятларда учратамиз;

- меймонга бориш ва меймонлик мулозамати, меҳмонларни кўнгилдагидай кутиб олиш ва ёш хусусиятига кўра жой-жойига ўтқизиш;
- туғилган кунлар, юбилейлар, тантаналар ва байрамлар этикети;
- мотам, тўй ва меҳнат маросимлари этикети;
- халқаро дипломатик муносабатларда;
- катталар ва ёшлар, устоз ва шогирдлар (ислом дунёсида пиру-муршид) ўртасидаги муносабатларда;
- маданият ва санъат муассасалари (театр, кино, музей, санъат саройи, кўرғазма зали, концерт)га бориш қоидалари;

Буларнинг ҳаммаси ўта нозик, ўта мураккаб маданий жараёнлардир. Бундан ташқари, бўлажак маданият ва санъат ходимлари учун ўта зарур бўлган жамоат жойларида ўзини тутиш, кийиниш маданиятида анъанавий услубнинг аҳамияти, замонавий аёллар либосларида образнинг аҳамияти, кўча куйда уяли телефондан фойдаланиш одоби, соҳа юзасидан ўтказиладиган турли-туман тақдирот маросимлари ва унда иштирок этишда амал қилинадиган одоб ахлоқ қоидаларининг киритилиши қўлланманинг санъат соҳасига йўналтириш мақсадида қилинган йўллардир. Шулар қаторида, меҳмонга бориш, мезбонлик удумлари, театр, кино, рақс кечалари, ёшлар оқшоми, туғилган кун ва юбилейларда ўзини тутиш этикетини билиш ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида асқотади.

Санъат, умуман бадиий таълим объектив борлиқнинг бадиий тасвири сифатида энг аввало инсон тафаккурида намоён бўлади, онги, ҳис туйғулари, хотирасида жонланади. Агар бадиий хотиранинг асрлар давомида шаклланишини эътиборга олсак, анъанавий этикет мезонлари ва меъёрлари ҳам шу қадар узоқ тарихга, бой анъанага эга эканлиги ойдинлашади. Ана шу тарихан бой меросни билмай туриб ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Айниқса, бадиий таълим соҳаларида этикет тарихи, қоидалари, маҳаллий ва дунёвий мезонларини бўлажак мутахассисларга ўргатиш жуда ҳам муҳим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мазкур ўқув қўлланманинг ёзилиши бу борадаги бўшлиқни қисман бўлсада, тўлдиришга хизмат қилади деган умиддамиз. Зеро қўлланмадан кўзланган мақсад ҳам шундан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди. Республика маънавият ва маърифат маркази.-Тошкент: Ўзбекистон, 2006.- 42 б.
2. Алий Нозимо. Қизлар тарбияси. -Тошкент:Камалак, 1994 й.
3. Блюкин В.А Этика и жизнь. -Москва: Издательство политической литературы, 1987 г.
4. Если вы деловой мужчина (сост. Гончаренко В.И и другие). –Брянск. 1994 г.
5. Золотая книга этикета. –Москва. 2004 г.
6. Культурология. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 г.
7. Мингбоева Д. Замонавий одоб-ахлоқ китоби. -Тошкент:Янги аср авлоди нашриёти, 2007.- 128 бет.
8. Маҳмудов К . Меҳмоннома.-Тошкент:1990 й.
9. Максимовский М. Этикет делового человека. – Краснодар.1996 г.
10. Низомулмулк. Сиёсатнома.- Тошкент: Адолат, 1997 й.
11. Русча ўзбекча луғат.- Тошкент: 1984. 11- томлик.
- 12.Суприн А. Филоновский Г. Почему мы так одеты. -Москва: Молодая гвардия, 1990 г.
13. Холопова Т. Лебедева М. Протокол и этикет. Для деловых людей. –Москва. 1994 г.

14. Энн. Мери Сабот. Бизнес-этикет. –Москва: “Гранд-Фолер”, 2004 г.
15. Энциклопедия этикета (сост. Максименко О. Н.).- Москва. 2002 г.
16. Этикет.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 й.
17. Этикет от А до Я. Интернет. edior @ etiket. Ru.
18. Ўзбек тилининг изохли луғати. 2 томли. -Москва: Ўзбек тили нашриёти, 1981 й.
19. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари.-Тошкент. 2005 й.
20. Қисқача сиёсий луғат.-Тошкент: Ўзбекистон, 1969 й.
21. Қувонова Ф. Меҳмон кутиш санъати. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2007.-53 б.

Санъатшунослик фанлари номзоди И.Абдурахмонов ҳамда фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Тошлоновларнинг “Этикет” фанидан маданият ва санъат олий ўқув юртлари талабалари учун тайёрланган ўқув қўлланмасига

Такриз

Санъат - объектив борлиқнинг бадиий тасвири. У энг аввало инсон тафаккурида намоён бўлади, онги, ҳис туйғулари, хотирасида жонланади. Агар бадиий хотиранинг асрлар давомида шаклланишини эътиборга олсак, анъанавий этикет мезонлари ва меъёрлари ҳам шу қадар узоқ тарихга, бой анъанага эга эканлиги ойдинлашади. Ана шу тарихан бой меросни билмай туриб ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Айниқса бадиий таълим соҳаларида этикет тарихи, қоидалари, маҳаллий ва дунёвий мезонларини бўлажак мутахассисларга ўргатиш жудаям муҳим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Санъатшунослик фанлари номзоди И.Абдурахмонов ҳамда фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Тошлоновларнинг “Этикет (Маданият ва санъат олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма)” номли ўқув қўлланмасини айни пайтда ҳар томонлама қўллаб-қуватласа бўлади.

Қўлланма давлат тилида тушунарли ва равон услубда ёзилган. Шу боис талабалар уни ҳеч қийналмай ўқишларига ишончим комил. Унда айниқса, бўлажак маданият ва санъат ходимлари учун ўта зарур бўлган жамоат жойларида ўзини тутиш, кийиниш маданиятида анъанавий услубнинг аҳамияти, кўча куйда уяли телефондан фойдаланиш одоби, соҳа юзасидан ўтказиладиган турли-туман тақдирот маросимлари ва унда иштирок этишда амал қилинадиган одоб ахлоқ қоидаларининг киритилиши қўлланманинг санъат соҳасига йўналтирилганлигидан далолат беради. Шулар каторида, мемонга бориш, мезбонлик удумлари, театр, кино, рақс кечалари, ёшлар оқшоми, туғилган кун ва юбилейларда ўзини тутиш этикетини билиш ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида асқотади.

Этикет фанига оид қўлланма институтимизда илқ бор тайёрланмоқда. Шу боис у айрим жузъий камчиликлардан ҳам ҳоли бўлмаслиги табиий. Баъзи жойларида техник хатолар ўтганлиги ҳам шундан. Ўйлашимча, яна бир бор караб чиқиш лозимга ўхшайди. Шунингдек, кейинги ишларида театр, кино, телевидение, музей, бадиий фото, ракс ва мусика, кўргазма заллари этикети қисми алоҳида ўрганилса, мазмун ва моҳият жиҳатидан бадиий таълим соҳаларини янаям тўлароқ қамраб олган бўларди.

Юқорида кўрсатилган камчиликлардан қатъий назар иш тўла ниҳоясига етказилган. Олий ва ўрта махсс таълим вазирлигининг ўқув қўлланмаларни яратиш тўғрисидаги барча талабларига жавоб беради. Айни пайтда қўлланмани бадиий таълим соҳасининг барча йўналишлари учун тавсия этиш мумкин. Санъатшунос сифатида ишни янада кўпроқ нусхада нашр эттиришни таклиф этаман.

Немат Абдуллаев

**Санъатшунослик фанлари
номзоди, профессор.**

Санъатшунослик фанлари номзоди И.Абдурахмонов ҳамда фалсафа фанлари доктори, профессор Т.Тошлоновларнинг “Этикет” фанидан маданият ва санъат олий ўқув юртлари талабалари учун тайёрлаган ўқув қўлланмасига

Такриз

Камина юқорида номи тилга олинган муаллифларнинг мазкур ўқув қўлланмасини диққат билан ўқиб чикдим. Дарҳақиқат, қўлланмада таъкидланганидек, инсоният яралибдики, ўзи яшаётган жамиятда расм бўлган одатларни, ахлоқий мезонларни ўрганишга, дунё ажойиботларини англашга интилиб келади. Айниқса, фан ва техника тараққиёти жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги кунда кишилар оламнинг турфа жилоларини, хилма - хил рангларини идрок қилиш қобилиятлари тобора юксалиб бормоқда. Негаки, ўзбек халқи нафосат борасида жуда қадимий ва бой меросга эга. Шунга кўра кимдир миллий ҳунармандликни, бошқаси фото санъатни, яна кимдир бадиий ижодни хуш кўради. Айримлар тил ўрганишни ҳохласа, бошқалари замонавий дизайннинг амалий ва назарий асосларини янада чуқурроқ ўзлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бўлажак санъатшунослар соҳага янада чуқурроқ кириб бориш сари ҳаракат қилар эканлар, энг аввало тарихан шаклланган маҳаллий этикет қоидаларини билиши зарур.

Жамиятда урф бўлган анъанавий ва замонавий турмуш маданиятини ўрганиш, ўзлаштириш ва амалда қўллай олиш кўникмасини ҳосил қилиш маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи бўлажак мутахассислар учун ҳеч қачон ортиқчалик қилмаслиги тўғрисидаги фикрга қўшиламиз. Айни пайтда улар бошқалардан бир қадам олдинда юришлари, атрофдагиларга бу борада ўрнак бўлишларини инобатга оладиган бўлсак, бундай тажриба улар фаолиятини маълум даражада енгиллаштиради. Шу тариқа аста-секин уларнинг ташқи маданият борасидаги ахлоқи, нафосати ва тафақури шаклланади.

Жамият урф бўлган анъанавий ва замонавий турмуш маданиятини қандай даражада ўзлаштирганлиги биринчи галда атрофдагилар билан мулоқотга киришганда намоён бўлади. Маданият ва санъат ходимлари ўзларининг юксак диди, тарбияси, ташқи образлари билан бошқаларда яхши таассурот қолдиради. Ҳар қандай масалада атрофдагилар билан яхши муносабат ўрнатиб, уларнинг кўнглига йўл топа олади.

Қўлланма илк бор тайёрланди. Шу боис бадиий таълимнинг барча соҳаларини тўлиқ қамраб олиши қийин. Аммо шундай бўлсада, унда ўзбек халқининг тарихан шаклланган таълим тарбияга оид қисми янада кўпайтирилса, унинг аҳамияти янада ошган бўларди.

“Этикет” фанидан маданият ва санъат олий ўқув юртлари талабалари учун тайёрлаган мазкур ўқув қўлланма олий таълим тизими талабларига тўла жавоб беради. Қўлланмани иложи бориचा кўпроқ нусхада нашр эттириш лозим деб ўйлайман.

Н. Ашуров

**Педагогика ва касбий таълим кафедраси
мудири, доцент.**